

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 34337 (041) (575.1)**

**МАМАНОВ САРДОРЖОН СОБИР ЎГЛИНИНГ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА  
КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ (COMPLIANCE CONTROL) ТИЗИМИНИНГ  
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР  
ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Академия бошлиғи  
ўринбосари У.У.Нигмаджанов**

**Тошкент – 2020 йил**

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ.....3**

### **I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

§ 1.1. Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг тушунчаси ва шаклланиши.....13

§ 1.2. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимини жорий этиш масалалари.....24

### **II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

§ 2.1. Халқаро хужжатларда комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича стандарт ва тавсиялар.....34

§ 2.2. Хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг моделлари.....44

### **III БОБ. КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ТАДБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

§ 3.1. Ўзбекистонда комплаенс назорат тизимининг назарий ва ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари.....58  
**ХУЛОСА.....69**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....76**

**ИЛОВА.** Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши ички назорат («комплаенс-назорат») тизимини жорий этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни (Лойиха), қонунчилик схемалари, хорижий эксперталар билан ўтказилган сұхбат, сўровномалар.....83

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.** Халқаро иқтисодиётга коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши оқибатида етказилаётган заарнинг тобора ортиб бораётганлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасини янада кенгроқ тадқиқ этилиши айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда.

БМТ Бош котиби А.Гуттериш томонидан келтирилган маълумотларга асосан жаҳон ҳамжамиятида ҳар йили **1 триллион АҚШ доллар** ҳажмида пора бериш ва олиш ҳолатлари содир этилади. Дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупция туфайли **2,6 триллион АҚШ долларидан** ортиқ маблағдан айрилади, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **5 фоизини** ташкил этишини маълум қилган эди<sup>1</sup>.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи халқаро воситалардан бири ўз таркибида **коррупцияга қарши комплаенс назорат** (*compliance control*) тизимини ташкил этиш ҳисобланади<sup>2</sup>.

Комплаенс назорат тизими илк бор АҚШда 1906 йилда вужудга келди. Бунга зарурият мамлакат иқтисодиётида фаолияти жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши билан боғдлиқдир.

Бугунги кунда “Baker and McKenzie” халқаро юридик фирманинг 2019 йилги расмий маълумотларига асосан **150 дан ортиқ** мамлакатлардаги компанияларда коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими жорий этилгандир. Масалан, биргина Буюк Британиянинг **1 млрд. фунт стерлинг** капиталга эга бўлган **700 дан ортиқ** корпорация ва банкларида ташкил

<sup>1</sup> “Corruption is costing the global economy \$3.6 trillion dollars every year” 2018. [Электрон манба]. URL: <https://www.weforum.org/agenda/2018/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year>.

<sup>2</sup> M. Johnston “Syndromes of compliance”, Colgate University, New York. Publisher: Cambridge University Press; Online publication date: September 2009. [Электрон манба]. URL: <https://www.cambridge.org>.

етилган ушбу тизим турли коррупция хавфларидан ҳимоя қилувчи комплекс чоралар сифатида баҳоланди ва ҳозирда унинг самарали жиҳатларидан кенг қўлланилиб келинмоқда<sup>3</sup>.

Францияда **800 000 евродан** ошиқ капиталга эга бўлган барча корпорация ва банклар коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимларини жорий этган бўлишлари шартлиги ички қонунчилигига белгилангандир<sup>4</sup>.

Ўзбекистоннинг янгилangan сиёсати айнан инсон қадр-кимматини олий даражага қўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда. Аввало, ушбу ислоҳотларнинг туб замирида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор вазифа “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқга хизмат қилиши керак”<sup>5</sup> деган асосий тамойилга мувофиқ барча ресурслар, имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Бу ўринда ислоҳотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгти йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташқилий-хуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган **30 га яқин қонун, 100 га яқин Президент ва Ҳукумат қарорлари** қабул қилинди<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.bakermckenzie.com/en/newsroom/2019/01/connected-compliance>.

<sup>4</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.bakermckenzie.com/en/newsroom/2019/01/connected-compliance>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошевнинг нутқидан (Бош прокуратура телеграм ижтимоий тармоқдаги расмий сайтидаги манба) // [Электрон манба]. URL: <https://t.me/uzbprokuratura>.

Маҳаллий эксперталар ва халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидек, бундай чоралар қисқа муддатда ўз самараларини бера бошлади. Жумладан, “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингида Ўзбекистон 5 ўрин юқорига кўтарилиб, **158 ўриндан** (2018 й.), **153** (2019 й.) ўрин эгаллади<sup>7</sup> ёки дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “The Economist” журнали томонидан Ўзбекистон 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – **“Йил мамлакати”**<sup>8</sup> деб эътироф этилди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро доираларда эришилаётган бу каби ютуқлар албатта амалга оширилаётган тизимли чораларнинг натижаси ҳисобланади.

Шу ўринда, соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, аммо давлат ва хусусий секторда ҳали ҳам коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сезиларли ўрин эгалламоқда.

Агарда статистик рақамларга тўхталаған бўлсак, 2017–2020 йиллар давомида **6.127 нафар** мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилиган. Булардан 2018 йил давомида давлат улуши бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига жами **351 та** (**2019 й. 129 та**), давлат улуши бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига 2018 йил давомида **362 та** (**2019 й. 401 та**) жиноят иши мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг коррупцияга оид жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2017 йилда **142 млрд. 662 млн. сўм**, 2018 йилда **559 млрд. 174 млн. сўм**, 2019 йилда эса **1 трлн. 853 млрд. сўм** миқдорида моддий зарар етказилган<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org//2019>.

<sup>8</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.economist.com//2019>.

<sup>9</sup> 2017-2019 йилларнинг 12 ойида коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ва бошқа турдаги жиноятларни содир этган мансабдор шахслар ҳақида таҳлилий маълумотнома/[Электрон манба]. <https://t.me/uzbprokuratura>.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳали ҳам сезиларли даражада учраётгани ва келтирилаётган заарнинг тобора ортаётганлиги мавжуд статистик рақамлардан ўз тасдигини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш аҳволи бутунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатади ва ушбу соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида хориж амалиёти уйғунлигига коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган янги профилактик чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-5729-сонли** Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг **21-бандида** устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш **комплаенс назорат** тизимини жорий этиш белгиланди<sup>10</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020** йил **11 февралда** “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади”<sup>11</sup> номли йиғилишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган асосий вазифалардан бири ҳам вазирлик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни амалга оширувчи комплаенс назорат тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020** йил **29 июндаги** “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади” номли мавзуда ўтказилган йиғилишдаги нутқидан//11.02.2020 йил. [Электрон манба]. URL <https://uza.uz>.

**ПФ-6013-сонли** Фармонига асосан янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (**«комплаенс-назорат»**)ни босқичма-босқич жорий этишбелгиланди<sup>12</sup>.

Юқоридаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, диссертация иши доирасида амалга оширилган илмий изланишлар Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги такомиллаштириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш ва коррупцияга қарши курашишда самарали профилактик чоралар мажмуи сифатида қўлланилиб келинаётган комплаенс назорат тизимини миллий қонунчилик ва амалиётга жорий этилишига салмоқли даражада хизмат қиласди.

**Тадқикот обьекти** коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти ҳамда унинг фаолиятини ташкил этувчи муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ҳисобланади.

**Тадқикот предмети** комплаенс назорат тизимини ташкилий-хуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, хуқуқни қўллаш амалиётлари, ушбу соҳадаги айrim хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда хориж тажрибасида мавжуд бўлган соҳани тадқиқ этишга қаратилган концептуал ёндашувлар, халқаро моделлар, илмий-назарий қарашлар ва халқаро хуқуқий категориялардан иборатdir.

**Тадқикот мақсади** Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимини шакллантиришнинг дастлабки илмий-назарий асосларини яратиш ва ушбу соҳада амалдаги қонунчиликни

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4875784>.

такомиллаштириш мақсадида ташкилий-хуқуқий асосларига оид аниқ таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

- коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимиға оид илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш ҳамда тегишли илмий таърифларни ишлаб чиқиш;
- комплаенс назорат тизимининг тарихий ривожланиш босқичлари ва таркибини ташкил этувчи коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-аҳлоқ кодекси, коррупция хавфи ва бу ҳақда хабар бериш тартиби (whistle blowing policy), совгалар сиёсати ва шу каби бошқа элементларнинг таҳлили ва улар юзасидан қонунчиликка аниқ таклифлар яратиш;
- давлат ва хусусий секторда коррупцияга оид хуқуқбузарликларни олдини олишга оид халқаро стандартларни комплекс тадқиқ этиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- комплаенс назорат тизимини ўзида жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга бўлган жорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения кабилар мисолида) қонунчилиги ва халқаро компаниялар тажрибалари асосидаги моделларни ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этишнинг энг мақбул жиҳатлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- мамлакатимизда комплаенс назорат тизимини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари самарадорлигини оширишнинг замонавий тенденцияларига илмий ва амалий баҳо бериш ва бошқа қатор вазифаларни ўз ичига олади.

**Илмий янгилиги** Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг халқаро стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти асосида **илк бор комплекс тарзда илмий тадқиқ этилганлиги** билан белгиланади.

Шу билан бирга тадқиқот ишининг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

биринчидан, комплаенс назорат тизимини илмий-назарий асослари устида шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди;

иккинчидан, комплаенс назорат тизимини амалиётга тадбиқ этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини яратиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди;

учинчидан, хорижий давлатлар ва халқаро компанияларда мавжуд комплаенс назорат тизимининг самарали моделларининг таҳлили асосида миллий компаниялар фаолиятига жорий этиш мумкин бўлган моделлар юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

тўртинчидан, давлат ва хусусий секторда комплаенс хизматни жорий этишнинг минимал қоидаларини ўзида мужассам этган намунавий йўриқнома ишлаб чиқиши бўйича аниқ тавсиялар келтирилган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар адабиётлар таҳлили.** Хорижий давлатларда, асосан АҚШ ва Европа давлатларининг мутахассислари томонидан комплаенс назорат тизимини тадқиқ этишга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг аксарияти инглиз тилидадир. Хориж адабиётлари орасида M. Johnston, Allen B. Roberts, Jeff J. Marwil, Jerry J. Burgdoerfer (АҚШ), Jerry W. Markham, G. Basche (Буюк Британия), T. Tyler, T. Jagric (Словения), S. Poppe, B. Bannenberg (Германия), А. Тимошкин, Д. Примаков, Е. Иванов, А. Yakunchikov (Россия)<sup>13</sup> каби соҳа олим ва эксперtlарининг илмий изланишлари ва мақолаларида комплаенс назоратининг умумий тавсифи ва коррупцияни олдини олишдаги ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

---

<sup>13</sup> Тимошкин А.В. «Корпоративный комплаенс-контроль как инструмент экономической безопасности»: автореф. дис. ... канд.эконом. наук : 08.00.05/ Тимошкин А.В. – Москва, 2010.; E.Ivanov «Антикоррупционный комплаенс-контроль в странах БРИКС// Anti-corruption compliance in BRICS countries» Монография.-М.: Юриспруденция 2015; Jeff J. Marwil and Jerry J. Burgdoerfer “Compliance Programs for Private Companies” August 2016; T. Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; D. Primakov “Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing”, Монография–М.: Infotropic media, 2019; Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013; M.Johnston “Syndromes of compliance”//Colgate University, New York. Publisher: Cambridge, University Press//Online publication date: September 2009;

Бу ўринда Словениялик эксперт Том Тулер “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy”(2014) номли илмий тадқиқот ишида ушбу тизимнинг ташкил этилишини Словения давлати ва унинг давлат органлари мисолида келтириб ўтади, шунингдек, коррупция ҳақида хабар бериш сиёсатига (**whistle blowing policy**) оид алоҳида тажрибаларни келтириб ўтади.

Хусусан, АҚШлик эксперталар Ж.Марвил ва Ж. Бургдоерферларга оид “Compliance Programs for Private Companies” (2016) номли китобда хусусий секторда комплаенс назорат тизимини ташкил этилишини алоҳида дастурлар мисолида тушунтириб берилади ва давлат секторидаги комплаенсдан фарқли жиҳатлари баён этилади.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Д. Примаков ушбу соҳада бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борган бўлиб, “Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing” (2019) номли китобида эса комплаенс назоратнинг алоҳида турлари (монополияга қарши комплаенс, банк секторида комплаенс, коррупцияга қарши комплаенс) қиёсланади ва унга оид ҳалқаро стандартлар таҳлил этилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда эса коррупцияга қарши курашиш соҳасида етарли даражада илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу ўринда алоҳида келтириб ўтиш лозим бўлган профессор Б.И.Исмаиловнинг<sup>14</sup> бир қатор ўқув-қўлланма, дарслик ва илмий мақолаларида комплаенс назорат тизимининг умумий жиҳатлари ёритиб ўтилган бўлсада, бошқа олимлар томонидан комплаенс назорат тизими комплекс тарзда тадқиқ этишга қаратилган маҳсус изланишлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Бунинг натижасида ҳозирги даврда мамлакатимизнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасига “тренд” сифатида кириб келаётган комплаенс

---

<sup>14</sup> Исмаилов Б.И. Насриев И.И. Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. //Монография. -Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -290с.; Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва ҳалқаро стандартлар тизими шаклланиши // Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019.-150 б;

назорат тизимининг илмий жиҳатлари тадқиқ этиш яқин вақт оралиғидаги заруриятини вужудга келтиради.

Ўз навбатида бу каби асослар мазкур диссертация мавзуси доирасида илмий тадқиқот ишини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқот ишида тизимли-тузилмавий ёндашув, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қиёсий-хукуқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, таҳлил этиш ва синтез қилиш, хукуқий моделлаштириш ва хукуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этиш ва ушбу тизимининг илмий-назарий асосларини яратиш ва илмий тадқиқ этишга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот иши ушбу соҳада амалга оширилган илмий изланишларнинг ўзбек тилида тадқиқ этилган дастлабки қўриниши ҳисобланади. Бу асосда тадқиқот натижаларидан келажакда илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўқув методик қўлланмалар ишлаб чиқишида ҳамда кенг миқёсда амалга оширилаётган коррупцияга қарши кушашиб соҳасини ислоҳ қилиш жараённида фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида давлат секторининг айрим соҳаларда комплаенс назорат тизимининг жорий этилиш жараёнлари бошланганлиги ва яқин вақт оралиғида ушбу жараёнлар бошқа соҳаларга ҳам оммалашиши, комплаенс хизматни миллий секторлар фаолиятига жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда хорижий тажрибалар асосида самарали моделларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари базасини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Бунда тадқиқот натижаларининг амалий

аҳамияти соҳани тадқиқ этишга қаратилган илмий ва ташкилий-хуқуқий асосларини яратишда намоён бўлади.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан бўлиб, мавзуни тадқиқ этиш мазмунан мос келади. Диссертация тузилиши кириш, 5 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этади. Мавзуга оид 100 дан ортиқ турли расмий ва илмий манбалардан фойдаланилди.

# I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА

## КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

### § 1.1. Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг тушунчаси ва шаклланиши

Давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат хорижий тажрибалар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, балки ушбу соҳада самарали тизим сифатида қўлланилиб келаётган маълум халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳисобланади<sup>15</sup>.

Улардан бири ушбу соҳада кенг қўлланилиб келаётган самарали ва таъсирчан воситаларнинг мажмуи бўлган **комплаенс назорат (compliance control)** тизими ҳисобланади.

Айтиш лозимки, ҳар бир терминология ўзида маълум маъно касб этади ҳамда унинг яхлитлигини ташкил этувчи муҳим асоси саналади. Бу ўринда комплаенс назорат тизимининг комплекс тавсифида “комплаенс”, “комплаенс назорат” тушунчаларига тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Хориж адабиётларда ушбу мавзуни тадқиқ этган олим ва эксперталарнинг илмий изланишларида мазкур терминологияга оид қатор таърифлар берилади.

Хусусан, профессор Е.Иванов комплаенс назорат тизимининг ўзига хос хусусиятларини “BRICS”га аъзо давлатлар тажрибасида ёритар экан “комплаенс” ёки “комплаенс назорат” тушунчалари ўтган асрнинг бошларида англо-саксон ҳуқуқий тизимида вужудга келган ва ушбу тушунчалар “махсус белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ ўз фаолиятни ташкил этиш” дея таъриф бериб ўтади<sup>16</sup>.

<sup>15</sup> Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing – М.: Infotropic media, 2019 – Р.36. [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.

<sup>16</sup> Ivanov E. Anti-corruption compliance in BRICS countries// Антикоррупционный комплаенс-контроль в странах БРИКС//Монография. -М.: Юриспруденция, 2015. – с.9. [Электрон манба]. URL: <http://files.sudrf.ru/774>.

АҚШлик Ж.Марвил ва Ж. Бургдоерферларнинг илмий мақоласида комплаенс тушунчасига оддийгина (compliance) розилик, мувофиқлик ва қоида ёки кўрсатмага мувофиқ ҳаракат қилиш дейилади<sup>17</sup>. Яъни малум бир фаолиятни ўрнатилган қоида ёки кўрсатмага мувофиқ амалга оширишdir.

Корпоратив комплаенс соҳасида илмий тадқиқот ишини юритган А.Тимошкин комплаенс бу мувофиқлик, комплаенс назорат тизими эса коррупцияга қарши курашишнинг корпоратив сиёсати ҳисобланиб, бунда компания фаолиятини ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ташкил этиш ва ходимларнинг ўз фаолиятларида ушбу қоидаларга масъулият билан ёндашувида намоён бўладиган коррупцияга қарши курашишга оид чора-тадбирлар комплекси дея шахсий фикрини келтириб ўтади<sup>18</sup>.

Шунингдек, ушбу соҳасида салмоқли изланишлар олиб борган украиналик профессор П.Перерва ва олимлар Г.Козицкий, М.Сомосилар томонидан чоп этилган “Комплаенс дастур” номли йирик ҳажмдаги илмий китобда комплаенс назорати деб “компания ва ташкилотнинг аниқ ўрнатилган талаб ва ички қоидаларга мувофиқ ўз фаолиятини ташкил этишдан иборат ички профилактик хизматдир” дея таъриф берилади<sup>19</sup>.

Франциялик эксперtlар Е.Мосчилла ва Донна Boehmeларнинг<sup>20</sup> илмий мақоласида ҳам шу каби илмий таъкриф бериб ўтилади.

Шунингдек, соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро стандартлар, масалан, “ISO 19600:2014 Compliance management systems - Guidelines”да “комплаенс деб компания ёки ташкилотнинг белгиланган талаблар, қоидаларга мувофиқ ўз фаолиятини ташкил этишдан иборат бўлган тизим”дир.

---

<sup>17</sup> Jeff J. Marwil and Jerry J. Burgdoerfer “Compliance Programs for Private Companies” August 2016; [Электрон манба]. URL: <https://jenner.com/system>.

<sup>18</sup> Тимошкин А.В. «Корпоративный комплаенс-контроль как инструмент экономической безопасности»: автореф. дис... канд.эконом. наук: 08.00.05/ Тимошкин А.В. – Москва, 2010. – 32 с., [Электрон манба]. URL: <https://www.dissertcat.com>.

<sup>19</sup> Prof. Pererva P., Kocziszky Gy., Somosi M. “Compliance Program”-Kharkiv-Miskolc-2019// [Электрон манба].URL: <http://web.kpi.kharkov.ua>.

<sup>20</sup> Emil Moschella and Donna Boehme “The Private Sector as a Model for Government Compliance and Ethics Programs” 12 October 2010// [Электрон манба].URL: <http://compliancestrategists.com>.

Бу ўринда комплаенс соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи Халқаро комплаенс ассоциациясининг (**International Compliance Association**) “комплаенс бу фаолиятни ўрнатилган талаб ва стандартларга мувофиқ таъминлаш ва унинг тизими эса ушбу талаб ва қоидаларнинг мажмуй” дейилади<sup>21</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги олим ва эксперталари томонидан ушбу тушунчаларни очиб беришга қаратилган қатор илмий фикрлар шакли турлича бўлсада, лекин уларнинг барчаси мазмунан бир хил маънода акс эганлигини кўриш мумкинdir ва бундай ҳолат бошқа юридик ва иқтисодий адабиёт, мақолаларда ҳам келтириб ўтилади.

Айтиш лозимки, соҳани тадқиқ этган аксарият олимлар томонидан юритилган илмий фикрларда “комплаенс” ва “комплаенс назорат” тушунчасининг юқорида келтирилган сўзма-сўз таржимаси коррупцияга қарши курашда, шунингдек, ҳозирда бошқа бир қатор соҳаларда (*масалан, соглиқни сақлаши соҳасида*) кенг қўлланилаётган мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Хусусан комплаенс назорат тизими тартибга солишининг ўзига хос хусусиятига асосан фаолиятни ҳар қандай қоидаларга мувофиқ ташкил этиш эмас, балки халқаро стандартлар, соҳага оид қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар ёки локал қоидалар ва бошқа муҳим умумий белгиланган талабларга мувофиқ ўз фаолиятини ташкил этиш тўғрироқ бўлади.

**Фикримизча,** юқоридаги илмий асослардан келиб чиқсан ҳолда “комплаенс” тушунчасининг асосий концепциясини ўзбек тилига “фаолиятни қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган қонунлар, меъёрий-хуқуқий қоидаларга мувофиқ ташкил этиш” ёки “максус умуммажбурий талабларга мувофиқ фаолият юритишни таъминлаш бўйича барча мажбуриятларини бажаришдир” дея талқин қилиш мақсадга мувофиқdir.

---

<sup>21</sup> “ISO 37001 - Anti-bribery management systems”// [Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>.

**Коррупцияга қарши комплаенс назорати** – давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар фаолиятини коррупцияга қарши курашии соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳуҗжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиши, қонун бузилишии ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Юқоридаги келтирилган тарифлар асосида тушуниш мумкинки, комплаенс назоратни **жорий этишидан мақсад** давлат ва хусусий секторда коррупция хавф-хатарларни олдини олиш ва бундай хавф мавжуд бўлган соҳа-йўналишларни тизимли аниқлаб бориш, манфаатлар тўқнашуви юзага келтирувчи омилларни ҳуқуқий, молиявий асосларда мониторинг қилиш, фаолиятни турли молиявий, иқтисодий санкциялар ва бошқа таъсирлардан тизимли ҳимоя қилишнинг комплекс механизмини яратиш ҳамда фаолият имиджини ижобий сақлаб туриш ҳисобланади.

**Комплаенс назорат тизимининг вужудга келишига** оид дастлабки элементлар 1884 йилда Германияда “Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва суғурталаш Ассоциация”нинг (*Accident Prevention & Insurance Association*)<sup>22</sup> ташкил этилган дея келтирилади.

Бироқ аксарият хорижий адабиётларда, хусусан, АҚШлик олим Мартин Клинг комплаенс тарихига бағишлиланган илмий китобида ушбу тизим дастлаб 1906 йилда АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятини назорат қилувчи федерал хизматининг **FDA (Food and Drug Administration)** ташкил этилиши ва фаолияти жамоат хавфсизлигига қаратилган компания ва ташкилотларнинг асос солиниш зарурияти билан юзага қела бошлади<sup>23</sup> дея келтирилган.

---

<sup>22</sup> Martin Kling “History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley ey”, 2017 – P. 54. // [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.

<sup>23</sup> Kocziszky G. “Anti-corruption compliance in the enterprise’s program”2017 – P.43.//[Электрон манба]. URL: <https://drive.google.com>.

Агентлик дори воситалари ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги иштирокчилари учун риоя этиши зарур бўлган қоидаларни яратади ва уларга мувофиқ ўз фаолиятини ташкил этиш мажбуриятини белгилайди. Айнан ушбу қоидалар эса компанияларда комплаенс хизматининг ташкил этилишига асос бўлади. Бунда комплаенс хизмати пайдо бўлишини жамоат хавсизлигини таъминлашга қаратилган давлат органларини ташкил этила борилиши билан асослаб ўтади<sup>24</sup>.

АҚШнинг Колгате университети (Colgate University) профессори М. Джонсон бу жараёнда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган компаниялар нафақат қонунчилик, балки бизнес юритиш қоидалари ва технологик тараққиётнинг йўналишларини назорат қилувчи аниқ қоидалар, норма ва стандартларга мувофиқ ўз фаолиятларини ташкил этиш даврнинг ўзи заруриятга айлантириб борганлигини ўз илмий қарашларида келтириб ўтади<sup>25</sup>.

Ушбу тизимнинг чинакам ривож топиши XX аср 70 йилларига боғлик, яъни бу даврга келиб АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва халқаро алоқаларда интеграциялашуви компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини янада мустаҳкамлаш ва юридик жиҳатдан тартибга солиш заруриятини юзага келтирди. Бу даврга келиб АҚШнинг турли соҳадаги **40 мингдан ортиқ** корпорация ва компаниялари халқаро бозорда иқтисодий муносбатларни амалга оширап эди<sup>26</sup>.

Бунда комплаенс хизматнинг АҚШ биржаларида ва иқтисодиётидаги ривожланиши 1977 йилда “Хорижда коррупция тўғрисида акт” (**FCPA, Foreign Corrupt Practices Act of 1977**)<sup>27</sup> номли қонунинг қабул қилинишига олиб келди. FCPAда комплаенс талаблар билан боғлик қатъий назорат қоидалари ўрнатилди, яъни *бухгалтерия ҳисоби назорати ва молиявий хужжастларга қўйилладиган аниқ талаблар жорий этилди ва хусусий секторда*

<sup>24</sup> Martin Kling “History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, 2017 – P. 54. [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.

<sup>25</sup> M.Johnston, “Syndromes of compliance” Colgate University, New York. Publisher: Cambridge University Press; Online publication date: September 2009[Электрон манба].URL:<https://www.cambridge.org>.

<sup>26</sup> The Ultimate List of Compliance Program Statistics//[Электрон манба]. URL:<https://www.navexglobal.com>.

<sup>27</sup> Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494, Dec 19, 1977 // [Электрон манба]. URL: <https://www.govinfo.gov>.

коррупция хавфларини олдини олиш мақсадида давлат амалдорлари билан алоқалар бўйича қатъий қоидалар ўрнатилди.

Комплаенс эксперти (compliance risk specialist) Вилл Спадденнинг асослашича айнан мазкур қонуннинг қабул қилиниши АҚШ корпорация ва компанияларига ўз тизимида **комплаенс хизмати** ташкил этилиши шарт этиб белгилади дея келтириб ўтади<sup>28</sup>.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунларгача йирик компаниялар билан бўлган низоли вазиятлар (Volkswagen, Daimler, Siemens (Германия) Odenbrecht, Petrobras (Бразилия), Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport (АҚШ) ва бошқалар) хусусий секторда коррупцияга курашиш тизимларни тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди.

Шунингдек, бу даврга келиб *Enron, WorldCom ва Global Crossing*<sup>29</sup> каби корпорациялар иштирокидаги йирик молиявий низолар ва 2001 йилда Enron корпорациянинг банкротлик ҳолатига келиши АҚШда коррупцияга қарши курашиш соҳасида янги қонун қабул қилинишига олиб келди.

Бу каби йирик иқтисодий низоларнинг асосий сабабларидан бири компаниялар ички тизимидағи коррупцияга қарши курашиш чораларинг мустаҳкам эмаслиги билан аосланади. Бу ҳолатлар АҚШда 2002 йилда “Сарбейнз-Оксли тўғрисида”ги (**SOX, Sarbanes-Oxley Act of 2002**) қонунининг қабул қилиниши олиб келди<sup>30</sup>.

Қонун компанияларнинг молиявий ҳисботи қўйиладиган талабларни кучайтиради, FCPAдан фарқли равишда *корпоратив аҳлоқ кодексини қабул қилиши мажбурияти белгиланди*. Қонун талабларига мувофиқ айнан 2002 йилдан Нью-Йорк фонд биржасида (**New York Stock Exchange, NYSE**) қатнашаётган ҳар қандай, миллий ва хорижий компанияларнинг коррупцияга

<sup>28</sup> Compliance, Culture, and Confucius | ComplianceLine // [Электрон манба]. URL: <https://complianceline.com/a-strong-culture-can-make-all-the-difference>.

<sup>29</sup> Enron Scandal: The Fall of a Wall Street Darling [Электрон манба]. URL:<https://www.investopedia.com>

<sup>30</sup> Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013 [Электрон манба]. URL: <https://www.ebglaw.com>.

қарши курашиш соҳасида АҚШ қонунларига бўйсуниши ҳамда ўзида комплаенс назорат тизимини жорий этиш мажбуриятлари қўйилди<sup>31</sup>.

АҚШлик иқтисодчи олим Аллен Робертс қонуннинг компаниялар фаолиятига таъсирини таҳлил қиласр экан, SOXнинг қабул қилиниши Нью-Йорк фонд биржасида қатнашадиган ҳар қандай миллий ва хорижий компаниялар ўзида коррупцияга қарши дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда таркибида комплаенс назорат тизимини ташкил этиш мажбурияти ўрнатилди. Айнан шу талабнинг бажарилиши уларга Америка бозорларида эркин иштирок эта олиш имкониятини беради дея таъкидлаб ўтади<sup>32</sup>.

2000 йиллар ўрталарида юқоридаги коррупция муаммолари *Siemens, Daimler AG, Panalpina World Transport*<sup>33</sup> каби халқаро компаниялар фаолиятида юзага келди ва жараёнда 2010 йилда “Дод-Франк акти”, (*The Dodd-Frank Act of 2010*) қабул қилинишигча олиб келди.

Конун Америка молия тизими коррупция хавфларини минималлаштириш ва коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг (whistleblowers) тартибига оид билан янги нормалар яратди<sup>34</sup>.

Шунингдек, жорий йилда Буюк Британияда “Пораҳўрликка қарши акт” (*UK Bribery Act of 2010*) қабул қилинди<sup>35</sup>. Унда компанияларнинг хорижда коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этишнинг мақсадида уларда компаенс талаблари билан боғлиқ нормаларни жорий этиш мажбурияти ўрнатилди.

Комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга мамлакатлар амалиётига мувофиқ ушбу хизмат энг кенг тарқалган қўйидаги **иккита халқаро модели қўлланилади**<sup>36</sup>:

<sup>31</sup> Martin Kling “History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, 2017 – P. 54. [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.

<sup>32</sup> Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013 [Электрон манба]. URL: <https://www.ebglaw.com>.

<sup>33</sup> A history of corporate bribery scandals [Электрон манба]. URL: <https://www.worldfinance.com>

<sup>34</sup> “The Dodd–Frank” Wall Street Reform and Consumer Protection Act 2010// As Amended Through P.L. 115-61, Enacted 2010 [Электрон манба]. URL:<https://www.govinfo.gov>.

<sup>35</sup> UK Bribery Act of 2010// [Электрон манба]. URL: <http://www.legislation.gov.uk>.

<sup>36</sup> Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing – M.: Infotropic media, 2019 – P.36. [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.

1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақатгина мавжуд ўрнатилган ички қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратиласди. Бунда комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади.

2. Комплаенс назорат тизимининг ташкил этилиши коррупция хавфларни баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базел банк қўмитасининг тавсиялари, Халқаро комплаенс ассоциацияси) тавсияларига асосланади ва бу моделда комплаенс хизматнинг мақоми, вазифаси, фаолият доираси асосан халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади.

Мазкур икки моделнинг ўзаро фарқли жиҳати, биринчи моделда комплаенс назорат тизимини ўзида ташкил этаётган компания ёки ташкилот мавжуд қонунлик меъёрлари ёки ўзи ишлаб чиқкан ички қоидалар билан тартибга солинади ва жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади.

Иккинчи моделда эса фаолиятни ташкил этиш нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро стандартлар ва ташкилотларнинг тавсиялари асосида жорий этиласди. Ушбу шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган коррупция хавфларига фаолият мос келадиган қўшимча профилактик қоидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

Мазкур тажриба самарадорлиги билан ажралиб туроди ва асосан йирик иқтисодий салоҳиятга эга АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой каби давлатлар амалиётига тўғри келади.

АҚШлик мутахассис Джо Мерфи комплаенс ташкил этилишини илмий таҳлил қиласар экан халқаро моделлар асосида ташкил этилган комплаенс хизмат фаолиятини тартибга солиш аксарият қўйидаги икки йўналишда амалга ошириш мумкинлигини келтиради<sup>37</sup>:

**Биринчи йўналиш** комплаенс хизмати ваколат доирасига кирадиган вазифа ва мажбуриятларни компаниянинг бошқа бўлимнинг қўшимча вазифа этиб белгиланади. Бунда комплаенс талаблари билан боғлиқ мажбуриятларни

---

<sup>37</sup> Джо Мерфи “501 Ideas for Your Compliance and Ethics Program”//«501 одна идея для вашей программы комплаенса и деловой этики», SCCE, 2008. – с.42. [Электрон манба].URL:<https://assets.hcca-info.org>.

қатъий тақсимлаш ва компания раҳбарияти томонидан вазифаларнинг бажарилиш устидан самарали механизmlарни жорий этиш ҳисобланади.

Масалан, **Ички аудит хизмати** бўлими бир вақтнинг ўзида компаниянинг аудиторлик фаолиятини амалга ошириш давомида коррупцияга қарши курашиш вазифаларини ҳам бажариши мумкин бўлади. Бу йўналишнинг жорий этилиши кўпроқ ортиқча иқтисодий харажатларни олдини олиш билан ҳам боғлиқ дея тавсифлаб ўтилади<sup>38</sup>.

**Иккинчи йўналиши** халқаро стандартларда тавсия этилган ва хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган тури бўлиб, унда компанияда алоҳида штат бирликларига эга бўлган алоҳида таркибий тармоқ ташкил этилиши лозим бўлади. Бу йўналишда комплаенс хизмати фаолиятини амалга ошириш тўла мустақил бўлади ва фақатгина компания раҳбариятига ҳисобдор бўлади.

**Фикримизча,** комплаенс назорат тизимни ташкил этишдаги мазкур тажриба нисбатан самаралироқ ҳисобланади, ушбу тизимнинг мустақил бўлиши муҳим аҳамият касб этади, чунки компаниянинг инсон ресурслари ёки юридик бошқармасининг фаолиятига қўшимча функция этиб белгиланиши кўп эҳтимоллик билан унинг самарали фаолият юритиши таъминламсликка олиб келиши мумкинdir.

**Комплаенс хизмати ходими (compliance officer).** Албатта, ушбу тизим энг мукаммал механизmlар асосида ташкил этилган бўлсада, аммо фаолиятнинг самарали амалга оширувчи энг асосий омил бу кадрлар масаласи ҳисобланади.

Халқаро стандартларда мазкур фаолиятни амалга оширувчи мутахассис “комплаенс офицер” (**compliance officer**) дея юритилади, эксперт Сузан Мартин ўз илмий мақоласида ҳам комплаенс хизматини амалга оширувчи мутахассисни мазкур ном билан келтиради<sup>39</sup> ва ушбу тушунчага қўйидаги

<sup>38</sup> Tom Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; [Электрон манба].URL: <https://www.researchgate>;

<sup>39</sup> Susan Lorde Martin “Compliance Officers: More Jobs, More Responsibility, More Liability” 29 Notre Dame J.L. Ethics & Pub. Pol'y 169 (2015)// [Электрон манба]. URL: <https://scholarship.law.nd.edu>.

таъриф беради, яъни “комплаенс оффицер” деб қонун, меърий ҳужжатлар, ички тартиб қоидаларга риоя қилиш бўйича маъсул ходими ҳисобланаб, ходимларнинг ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилиш масалалари устидан назорат қиласди ва тартибга солиш учун жавобгар бўлган комплаенс хизмати ходими ҳисобланади<sup>40</sup>.

Бошқа бир ушбу соҳанинг эксперти Генри Абодор комплаенс муносабатларни амалга оширувчи мутахассисни “аҳлоқ оффицери” (*ethics officer*) яъни одоб-аҳлоққа риоя этилишини назорат этувчи ходим деб номлаш мақсадга мувофиқдир дея таъкидлайди<sup>41</sup>. Чунки комплаенс мутахассиси кўпроқ ходимларнинг юриш-туриш, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиши устида назоратни амалга оширади дея аослаб ўтади.

Банк фаолиятини назорат қилиш бўйича Базел Қўмитасининг тавсияларида комплаенс хизмати фаолиятнинг самарали олиб борилиши мақсадида бир қатор қўйидаги асосий кўникмаларга эга бўлиши кераклиги келтирилади<sup>42</sup>:

хуқуқий нормалар ва компаниянинг ички талабларига (коррупцияга қарши чоралар, манфаатлар тўқнашуви, аҳлоқий меъёрлар) компания фаолиятини ташкил этиш ва назоратини амалга ошириш бўйича амалий тажрибаларга эга бўлиш;

комплаенс назоратни ташкил этишга қаратилаган халқаро стандартлар юзасидан илмий, амалий билимларга эга бўлиши (FCPA, SOX, “UK Bribery Act”);

фаолият самарадорлигини таъминлашга оид амалий кўникмаларининг мавжудлиги ва иқтисодий ва юридик соҳадаги билимларнинг мавжуд бўлиши.

**Фикримизча,** комплаенс оффицернинг фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ мазкур асослардан тушуниш мумкинки, коррупцияга қарши

<sup>40</sup> The Role of a Compliance Officer in Business// [Электрон манба]. URL:<https://compliance.law.scu.edu>.

<sup>41</sup> Henry Adobor “Corporate Ethics Officers” March 2019 // [Электрон манба]. URL: [https://www.researchgate.net/publication/331641253\\_Corporate\\_Ethics\\_Officers](https://www.researchgate.net/publication/331641253_Corporate_Ethics_Officers).

<sup>42</sup> Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба]. URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf).

курашиш сиёсатининг самарали ташкил этилиши айнан комплаенс ходимларнинг ушбу соҳадаги билим ва тажрибаси ҳамда булар асосида коррупцияга қарши фаолиятни қай даражада тўғри ташкил этиши билан боғлиқдир.

**Юқоридагилардан хulosа қилиш мумкинки**, коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизими дастлаб АҚШда вужудга келган ва коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, коррупция хавфини минималлаштиришга хизмат қилувчи самарали механизмлар мажмуидир.

Комплаенс назоратнинг жорий этилиши дунёда кенг қўлланилаётган иккита халқаро модел асосида ташкил этилади ва комплаенс назоратнинг самарали олиб борилишида коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг қай даражада тўғри ташкил этишига боғлиқдир.

## **§ 1.2. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимини жорий этиш масалалари**

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга давлатимиз раҳбари қанчалик эътибор қарататётганликларини барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш борасида институционал ва ташкилий тизимнинг муҳим унсури хорижий тажрибалар асосида соҳада самарали тизим сифатида қўлланилиб келинаётган муайян халқаро стандартларни миллий амалиётга жорий этиш ҳисобланади.

Замонавий коррупцияга қарши курашиш янгиликларидан бири ўзида комплаенс назорат тизимини мажбурий шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йилнинг 11 февралда** “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади” номли йигилишда белгиланган асосий вазифалардан бири вазирлик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чикувчи ва амалга оширувчи комплаенс назорат тизимини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистонда дастлаб “Ўзавтосаноат” АЖ тизимида халқаро юридик фирма ҳисобланган “White and Case LLP” билан ҳамкорликда коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими халқаро стандартлар асосида жорий этилган. Компанияда алоҳида штат бирликларига эга бўлган тўғридан-тўғри бошқарув раҳбарияти назоратида бўлган комплаенс хизмати ташкил этилди. 2018 йил 17 январида “GM Uzbekistan” АЖ кузатув кенгаши томонидан “Комплаенс бўйича йўриқнома” (**Compliance handbook**)<sup>43</sup> ва “Одоб-аҳлоқ кодекси ва

---

<sup>43</sup> Compliance handbook//dated January 17, 2018//Approved by Supervisory Board of JSC GM Uzbekistan [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.

комплаенс” (**Code of ethics and compliance**)<sup>44</sup> каби фаолият йўналишининг юридик асослари тасдиқланди.

Бунда мазкур ҳужжатларнинг қисқача тавсифи асосида “Ўзватосаноат” АЖ тизимида ташкил этилган комплаенс хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхталиб мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, “Комплаенс бўйича Йўриқнома” компанияда ушбу хизматни жорий этиш бўйича стандартларни ўз ичига олган, унда компаниянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалдаги қонунлар ва ички локал ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш ва ходимларнинг ўрнатилган қоидаларга асосан ҳаракат қилишини белгилайди. Йўриқнома 7 бўлимдан ташкил топган, бўлиб улар қуидагилардан иборат:

- коррупцияга қарши курашиш сиёсати;
- совға, кўнгилочар дастурлар, меҳмондўстлик ва саёҳат ҳаражатлари;
- экспорт назорати ва санкциялар;
- *due diligence* принципи;
- фирибгарлик ва жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати;
- манфаатлар тўқнашуви;
- қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби каби бўлимлардан ташкил топгандир.

Йўриқноманинг совға, кўнгилочар ҳолатлар, меҳмондўстлик ёки саёҳат дея номли бўлимида ходимлар ўртасида совға қабул қилиш ва тақдим этиш билан боғлиқ тартиблар белгиланган. Жумладан, компания ходимлари **10 АҚШ доллари** (миллий валюта эквиваленти) номинал қиймати билан компания номидан **совғалар** тақдим этишлари ёки худди шу миқдордаги совғаларни ўз раҳбарларига ёки раҳбарларнинг ўз ходимларига тақдим этишлари ёки қабул қилишлари мумкинлиги белгиланган<sup>45</sup>.

---

<sup>44</sup> Code of ethics and compliance//dated January 17, 2018//Approved by Supervisory Board of JSC GM [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.

<sup>45</sup> Compliance handbook//dated January 17, 2018//Approved by Supervisory Board of JSC GM Uzbekistan [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.

Шунингдек, йўриқномада компания ичидаги ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатлари ва **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор этиш** (whistle blowing policy) тартибининг аниқ қоидалари ўрнатилгандир. Унга мувофиқ ходимлар томонидан “Комплаенс бўйича йўриқнома” ва “Одоб-аҳлоқ кодекси”<sup>46</sup>да ўрнатилган қоидаларга риоя этмаслик натижасида қонун бузилиши ёки коррупцияга олиб келадиган ҳолатлар юз берса, бундай вазиятлар ҳақида хабардор бўлган ходимнинг комплаенс хизмати ходимларига ёки унинг бошлиғига кечиктириб бўлмайдиган ҳолатда хабар бериш мажбурийлиги ўрнатилган.

Агарда ходимнинг комплаенс хизмати бошлиғига бу каби ҳолатлар ҳақида беришни истамаса ва унинг ҳаракатида коррупция аломатлари мавжуд деган шубҳа бўлса, ходим бу вазиятда тўғридан-тўғри зудлик билан компаниянинг **Ички аудит хизматига** ахборот бериши лозимлигини тўғрисидаги нормаларни ўзида акс эттиради.

**Фикримизча,** ушбу тартибнинг ўрнатилиши ходим томонидан коррупция ҳақида хабар бериш айнан биргина таркибий тармоқ эмас, балки бошқа бўлимга ҳам бу ҳақида маълумот бериш имконияти компания ичida ушбу соҳада бўлимлар ўртасида *бир-бирини тийиб туриши сиёсатини* амалга оширишга хизмат қиласи дейиш мумкинdir. Ушбу тартибнинг яъна бир жиҳати эса коррупцияга қарши курашиш айнан бир таркибий тармоқнинг ушбу соҳада монополияга айланиб қолишига олиб келувчи омилларни олдини олишга ҳам эътибор қаратилган.

Компанияда комплаенс хизматни фаолиятини ташкил этувчи кейинги ҳужжат “Одоб-аҳлоқ кодекси ва комплаенс” бўлиб, ўзида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, манфаатлар тўқнашуви ва шу каби бошқа коррупция хавфларини камайтиш ва юзага келишини олдини олишга қаратилган аниқ кўрсатилган **18 та савол ва уларга қисқа тезис шаклидаги** жавоблар кўрсатилган. Ходимларнинг мазкур соҳада малакаларини ошириши давомида

---

<sup>46</sup> [Электрон манба]. URL:<https://uzautomotors.com> (мурожаат вақти: 16.03.2019).

ушбу саволларга лозим даражадаги жавобларни бериши уларга компания доирасида амал қилувчи комплаенс сертификация тақдим этилиши билан боғлиқ қоидалар ҳам ўз аксини топгандир.

Мазкур саволлардан, қўйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкинdir, масалан, *мен порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш учун қандай ҳаракат қилиши зарур?*, мен компанияда фаолиятимни амалга ошириш давомида бошқаларга таклиф қилишим мумкин бўлган кўнгилочар ҳолатлар, меҳмондўстлик ёки саёҳат ҳаражатлари совга, “коррупция” ҳисобланадими?, мен фаолиятимда манфаатлар тўқнашувига дуч келишим мумкинми ёки дуч келдимми?, *мен коррупцияга оид хукуқбузарликларга гувоҳи бўлсан қандай ҳаракат қилишим лозим*<sup>47</sup> ва бошқа шу мазмундаги саволлар ва ҳар бир савол тезис шаклида кўрсатилган аниқ ва саволнинг мазмунини қамраб оладиган жавоблар берилган.

Мамлакатимизда мазкур жараёнларнинг давоми сифатида давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши кураш соҳасида профилактик чора-тадбирларни мустаҳкамлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солишга қаратилган 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва унда коррупция, коррупцияга оид хукуқбузарликлар, манфаатлар тўқнашуви, ушбу соҳадаги ваколатли давлат органлари ва шу каби бошқа муносабатлар тартибга солинган бўлсада, аммо қонуннинг қабул қилиниши комплаенс хизмати ва уни ташкил этиш механизмлари билан боғлиқ нормаларни акс эттирмади.

Қонуннинг ижроси асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги **ПҚ-2752-сонли** Қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг **33 ва 36-бандлари** хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида коррупцияга қарши қонунчиликка фаолиятини ташкил

<sup>47</sup> Code of ethics and compliance//dated January 17, 2018//Approved by Supervisory Board of JSC GM [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.

этадиган ички назорат механизмларини такомиллаштириш, иш юритиш одоби қоидалари ўрнатиш каби чораларни ўз ичига қамраб оладиган коррупцияга қарши чора-тадбирларни қабул қилиш йўли **коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини** жорий этиш назарда тутилди<sup>48</sup>.

Коррупцияга қарши курашишда алоҳида аҳамият касб этадиган мазкур тушунча дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги **ПФ-5729-сонли** “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида қабул қилинган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг **21-бандида** устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини тизимли мониторинггини амалга ошириш вазифаси белгиланди<sup>49</sup>. Комплаенс назорат тизими айнан шу ном билан ушбу хужжатда биринчи марта акс этди.

Фармон асосида 2019 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошкора бошқарув институтлари орқали коррупцияга карши курашиши”<sup>50</sup> лойиҳасини амалга ошириш доирасида масъул идоралар, жумладан, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ва фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, устав жамғармасида **100% ёки 50%** дан юқори бўлган давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари ва давлат ташкилотлари, шунингдек, ташқи бозорларда фаолият юритадиган ёки чет эллик шериклари бўлган йирик компанияларда **тажриба лойиҳа** тариқасида коррупция хавфларни аниқлаш

---

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

<sup>50</sup> Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электрон манба]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf).

ва уларни олдини олиш бўйича комплаенс назорат тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Лойиҳани давлат ташкилотларида жорий этиш бўйича халқаро тендер жараёнлари ўтказилди. Жараёнда “*White and Case*” (АҚШ), “*KPMG*” (Италия) ва бошқа ушбу соҳада катта тажрибага эга халқаро аудиторлик компаниялари қатнашди. Тендер натижалари бўйича ғолиб деб топилган KPMG компанияси эксперtlари билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятлари ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** тизимида (шу жумладан, вазирлик марказий аппарати, Самарқанд вилоят адлия бошқармаси, Жомбой тумани адлия бўлими, Давлат хизматлари агентлиги марказий аппарати, агентликнинг Тошкент шаҳар бошқармаси, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази, Интелектуал мулк агентлиги марказий аппарати)<sup>51</sup> тажриба лойиҳа тариқасида ушбу тизимни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб мазкур тажрибаларни **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастурининг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек тумани ва Бўка тумани ҳокимлклари<sup>52</sup> каби давлат ташкилотларида комплаенс назорат тизими ташкил этилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган компания ва ташкилотларда комплаенс хизматини жорий этиш 4 босқичда амалга оширилмоқда:

1-босқич: коррупцияга қарши қурашиш комплаенс назорат хизматини жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

2-босқич: коррупцияга қарши чора-тадбир ва назорат механизmlарини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш;

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги, 72-Ф-сонли Фармойиши.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги, 72-Ф-сонли Фармойиши.

3-босқич: коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий этиш;

4-босқич: жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тартиб-қоидалари самарадорлигини баҳолаш каби жараёнларда ишлар амалга оширилмоқда<sup>53</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 17 февралда 72-Ф-сонли Фармойиши** қабул қилиган бўлиб, давлат ташкилотларида комплаенс назорат тизимини жорий этишда куйидаларга алоҳида этибор қаратилиниши лозим эканлиги кўрсатилди:

коррупция хавф-хатарларини ўз вактида аниқлаш, уларга чек кўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

ходимлар томонидан касбий одоб-аҳлоқ қоидаларига катъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;

коррупцияга қарши курашишда идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизmlарини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халкаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш<sup>54</sup>.

Ўз навбатида комплаенс назоратнинг коррупцияга қарши курашишда самарали ва таъсирчанлиги каби жиҳатларидан келиб чиқиб, мазкур тадбирларнинг давомий ижроси сифатида **2020 йил 15 март** куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекнефтгаз” АЖ раиси билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича

---

<sup>53</sup> Халқаро аудиторлик ташкилоти KPMG (Италия)нинг Ўзбекистонда комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларига оид тақдимотдан олинган маълумот.

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги, 72-Ф-сонли Фармойиши.

2020 йилга мўлжалланган “Йўл ҳаритаси” тасдиқланди. Унда БМТ Тараққиёт дастури кўмагида комплаенс назорат тизимини жамиятга тадбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳани жадаллаштириш, комплаенс назорат тизими самарадорлигини доимий мониторинг килиб бориш, жаҳоннинг етакчи компанияларига жамият ходимларини хизмат сафарларига юбориш орқали уларда тадбиқ этилган “**Коррупцияга қарши қурашиш менежменти** ISO-37001 тизимлари тажрибасини жорий этиб бориш ўзаро вазифалар белгиланиб олинди.

Ўз навбатида неф-газ соҳасининг мамкандаги иқтисодий салоҳияти, жаҳон бозоридаги экспорт-импортдаги салмоқли жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 апрелдаги ПҚ-4664-сонли “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди. Унга асосан **2020 йил 1 октябрга** қадар нефть-газ тармоғидаги барча корхоналарда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилишини таъминлаш вазифаси белгиланди<sup>55</sup>.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ юридик департаменти бошлиғи **А.Абдирахимов** билан ўтказилган сухбатдаги маълумотга кўра Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирда “Ўзбекнефтгаз” АЖ марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларида алоҳида штат бирликлари асосида комплаенс хизматини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда<sup>56</sup>.

Шунингдек, 2020 йил март-апрел ойларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси *Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мектабгача таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси* каби

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрелдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4664-сонли// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/460378>.

<sup>56</sup> “Ўзбекнефтгаз” АЖ юридик департаменти бошлиғи А.Абдирахимов ва муаллиф ўртасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва комплаенс назорат” номли ўтказилган сухбатдан олинган маълумотлар. (сухбат ўтказилган сана: 10.06.2020 й.).

**9 давлат идоралари** билан ҳамкорликда ушбу соҳаларда коррупцияга қарши самарадорликни янада такомиллаштириш мақсадида босқичмабосқич комплаенс назорат тизимини жорий этиш тартиби келишилди ва “Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган Йўл харитаси” тасдиқланди<sup>57</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг жадал суръатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 29 майида “Рақобат – бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида принципиал масала” номли йиғилиш ўтказиди. Йиғилишда мамлакатда рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш вазифаси белгиланди. Бунга асосан давлат иштирокидаги корхоналарда **монополияга қарши комплаенс назорат тизимини** жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш жараёнларини ташкил этиш вазифалари белгиланди<sup>58</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6013-сонли** Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Мазкур идоранинг асосий вазифаларидан бири этиб 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда *коррупцияга қарии ички назорат тизими* («комплаенс-назорат») босқичмабосқич жорий этиш этиш белгиланди<sup>59</sup>.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроратура ташаббуси билан қабул қилинган 2020 йил 15 март куни “Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат – бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида принципиал масала” номли мавзууда ўтказилган йиғилишдаги нутқидан // 28.05.2020 йил. [Электрон манба]. URL <https://uza.uz>.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4875784>.

**Фикримизча,** бугунги кунда комплаенс назорат тизимини босқичмабосқич давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда оммавий тарзда жорий этилиши ушбу соҳанинг ўрганилиши ҳар жиҳатдан долзарблигини кўрсатмоқда.

**Юқоридагилардан хulosа қилиш мумкинки,** давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этишнинг қатор самарали омилларга хизмат қиласди.

Жумладан, мазкур тизим коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага туширишга хизмат қиласди.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш, ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш ва бошқа устувор натижалар ҳисобланади.

Ўз навбатида ушбу вазифларга эриши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги компания ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорини ишлаб чиқиш мақсаддага мувофқи бўлади. Унда давлат корхонарида компаенс назорат тизимини жорий этиш қоидаларини акс эттириш лозимдир.

## **II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

### **§ 2.1. Халқаро ҳужжатларда комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича стандарт ва тавсиялар**

Давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш соҳасини халқаро-хуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қатор халқаро стандарт ва тавсиялар қабул қилинмоқда.

Мазкур соҳадаги стандартларнинг асосий вазифа ва тавсиялари давлат иштирокидаги компания, ташкилотлар ёки хусусий сектор фаолиятида коррупция хавфларини минималлаштириш, шаффофликни таъминлаш ҳамда ички идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш орқали коррупцияга оид хукуқбузарликларни олдини олишга қаратилган.

Кўйида соҳани хуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро стандарт ва тавсияларнинг таҳлили орқали буларни кўриб чиқамиз.

**БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенция”си.** Халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги энг муҳим ютуғи БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг (United Nations Convention against Corruption) қабул қилинганлиги ҳисобланади. Конвенция Бош Ассамблеянинг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган<sup>60</sup>.

БМТ томонидан мазкур Конвенциянинг қабул қилиниши давлат идоралари, айниқса хусусий секторда коррупцияга қарши чора-тадбирларни янада мустаҳкамлаш заруриятини халқаро даражада қатъий қилиб қўйилди.

Хусусан, Конвенциянинг 12-модда “Хусусий сектор”, 21-модда “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”, 22-модда “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилинини”, 39-модда “Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик” каби моддаларда коррупция хавфларин

<sup>60</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.un.org/en/about-un> (мурожаат вақти: 02.01.2020).

аниқлаш, уларни олдини олишнинг қатор профилактик чоралари амалга ошириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Мазкур тавсияларнинг халқаро даражада акс этиши хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ошиб бораётганлиги билан боғлиқлиги билан кўрсатилинади<sup>61</sup>.

**Мисол сифатида,** банкларда тақдим этилган лойиҳаларга кредит ажратилишида пора олиш ҳолати ёки давлат улуши мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш маҳсулотларини (алкогол маҳсулотлар, дори воситалари ёки нефть-кимё маҳсулотлари ва бшк.) коррупция мақсадларида нархларни пасайтириш эвазига сотиш кабиларни амалиётдаги мавжуд коррупция ҳолатлари сифатида келтириш мумкинdir.

Юқоридагилар ҳолатларнинг олидини олишда конвенциянинг 12-моддасида “Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш, **бухгалтерия ҳисоботи ва ички аудит стандартларини** кучайтириш, тегишли ҳолларда, бундай чораларга риоя қилинмаслиги учун самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жазоларни белгилаш чораларини кўради”<sup>62</sup> дея кўрсатилган. Бу каби мақсадларга эршиш учун иштирокчи давлат томонидан коррупция хавфини камайтиришга оид аниқ тавсиялар келтирилган.

Жумладан, хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши давлат томонидан *бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ошкоралигини таъминлаш, бухгалтерия стандартлари ва ички аудитни* тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтади.

---

<sup>61</sup> An Anti-Corruption Ethics and Compliance Programme: UNODC's Practical Guide for Business) // [Электрон манба]. URL: <https://www.unodc.org>.

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

Бу тоифадаги профилактик чораларнинг мақсади коррупцияга оид жиноятларни содир этиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатларни тақиқлашга қаратилган бўлиши кераклигини тушуниш мумкинdir, мисол сифатида ношаффоф ҳисботлар тузиш, ташкиллаштирилмаган ёки нотўғри аниқланган операцияларни ўтказиш, мавжуд бўлмаган харажатларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисботларни нотўғри кўрсатиш, корхона маблағларининг мақсадсиз ишлатилиши ва бошқа шу каби ҳолатларни кўрсатиш мумкинdir.

**Фикримизча,** коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги устувор халқаро ҳужжат ҳисобланувчи конвенция, ҳар бир иштирокчи давлат томонидан давлат сектори билан бир ўринда хусусий секторда ҳам коррупцияга қарши превентив чоралар таъминлаши лозимлиги айтиб ўтилган, бунда халқаро тажрибалар асосида хусусий секторда коррупцияга қарши қурашишнинг энг самарали чораларидан бири компанияларнинг ўз фаолиятини амалга оширишда *ички идоравий назорат тизимларини* такомиллаштиришни назарда тутади.

Бу жараён эса коррупцияга қарши қурашиш комплаенс назорат тизимини қамраб олувчи элементи ҳисобланади.

**Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) томонидан қабул қилинган халқаро стандартлар ва ҳужжатлар.** Коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги салмоқли ўрин эгаллайдиган халқаро стандартларнинг кейинги тоифаси бу ИҲТТ томонидан қабул қилинган конвенция ва халқаро тавсиялардан иборатdir.

**Биринчи ҳужжат,** 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган “Халқаро тижорат битимларида хорижий давлат амалдорларининг порахўрлигига қарши қуаш тўғрисида”ги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг конвенцияси ҳисобланади. Халқаро ҳужжатда мансабдор шахсларнинг коррупцияга оид ҳаракатларини олдини олиш ва хусусий

секторда коррупция хавфларини минималлаштиришга доир қатор тавсия ва превентив чораларни акс эттиради<sup>63</sup>.

Конвенция давлат ва хусусий корхоналарда коррупция ҳолатларнинг профилактик нормалари сифатида *бухгалтерия ҳисоботини юритиш* устидан назорат ва *ташқи аудиторлар* билан боғлиқ талабларнинг акс этганини ва компания ўз фаолиятини ташкил этишда коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида *ички идоравий назорат механизмларини* такомиллаштиришнинг қуйидаги тавсифлари белгиланган:

- корпоратив ахлоқ стандартларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- компания раҳбарияти йиллик ҳисботларида ички назорат механизмларининг фаолиятини, коррупция ҳолатларнинг олдини олишга оид маълумотлар акс эттирилиши;
- компанияларда юқори раҳбарият ноқонуний топшириғи ёки босими остида белгиланган профессионал ва ахлоқ нормаларини бузишни истамайдиган шахслар томонидан бу каби коррупция ҳолатлар ҳақида хабар берилишини таъминловчи тизимларни яратиш ва фаоллаштириш, хабар берувчиларнинг (*whistleblowers*) ушбу жараёнда ҳукуқларини ҳимоя ҳуқуқини ҳимоялашнинг аниқ кафолатларини яратиш лозимлигини белгилайди<sup>64</sup>. Айтиш мумкинки, мазкур санаб ўтилган профилактик чоралар комплаенс назорат тизимини ташкил этувчи таркибий элементлари сифтида келтириш мумкинdir.

**Иккинчи хужжат,** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан соҳани такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тавсиявий ҳужжатлар ишлаб чиқилгандир. Бу ўринда айнан комплаенс хизматига оид энг яхши амалиёт ва тажрибаларни ўзида мужассам этган **“Ички назорат, этика ва комплаенс бўйича раҳбарий Йўриқнома”**<sup>65</sup>ни келтириш мумкинdir.

<sup>63</sup> Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing) // Специальные виды комплаенса: антикоррупционный, банковский, санкционный и розыск активов. – М.: Infotropic media, 2019 [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.

<sup>64</sup> OECD (2016) Committing to Effective Whistleblower Protection [Электрон манба].URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/Committing -to-Effective-Whistleblower-Protection-Highlights.pdf>.

<sup>65</sup> Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance. [Электрон манба]. URL: <http://www.oecd.org.pdf>.

Йўриқнома компанияларнинг ўз фаолиятида жорий этилиши керак бўлган коррупция ҳолатларига қарши барча турдаги амалиётларни (*policy*) тасвирлайди, хусусан, совға, мижоз ва меҳмондўстликлар (*hospitality*), турли кўнгилочар дастурлар, саёҳатлар, ҳайрия ва ҳомийлик ҳаражатлари, маъмурий ҳаражатлар (*facilitation payments*), товламачилик ва коррупция ҳақида хабар бериш сиёсати каби қоидалардир<sup>66</sup>. 2011 йилда эса халқаро миқёсда фаолият юритадиган “Компанияларда коррупция ҳолатларни олдини олишга оид тавсиявий Йўриқнома”<sup>67</sup> қабул қилинди. Йўриқноманинг VII қисми “Порахўрлик, товламачилик, пора бериш ва олишга қарши курашиш” дея номланиб, унда хусусий секторда коррупцияга қарши курашишда қўйидаги жиҳатлар алоҳида кўрсатилади:

1. Давлат ҳокимиятида мансабдор шахслар ва хусусий сектор ўртасидаги коррупция мақсадидаги ҳамкорликни чеклаш.
2. Пора бериш учун учинчи шахсларнинг кучидан фойдаланишини тақиқлаш.
3. Маъмурий тўловларни тақиқлаш ёки энг қуий даражада минималлаштириш.
4. *Due Diligence* – учинчи томон шахсларнинг ишончлилигини баҳолаш.
5. Коррупция хавф-хатарларга қарши курашишга оид **комплаенс дастурларни** ишлаб чиқиш.
6. Фаолият очиқлиги ва жамоатчилик олдидаги мунтазам ҳисобдорлик.
7. Сиёсий фаолиятни ноқонуний молиялаштиришни тақиқлаш<sup>68</sup>.

Шу ўринда айтиш лозимки, бу каби коррупцияга қарши курашиш дастурларни ишлаб чиқиш ИХТТдан олдинроқ бошланган бўлиб, жумладан, *Жаҳон банки (2010) ва Халқаро савдо палатаси (2011)*<sup>69</sup> томонидан юқорида таҳлил қилинган ҳужжатга қиёсий Йўриқномалар ишлаб чиқилган. Бунда

<sup>66</sup> Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance. [Электрон манба]. URL: <http://www.oecd.org.pdf>.

<sup>67</sup> Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_PACI\\_Global\\_Principles\\_for\\_Corruption.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles_for_Corruption.pdf).

<sup>68</sup> OECD (2014) Guidelines on corporate governance of state-owned enterprises // [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org>.

<sup>69</sup> World Bank Group Integrity Compliance Guidelines 2010// [Электрон манба]. URL: <https://wallensteinlaw.com>.

Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (*The Organization of the Petroleum Exporting Countries, OPEC*) томонидан 2007 йилда Бизнес фаолиятдаги компаниялар Коррупцияга қарши курашиш аҳлоқ кодекси<sup>70</sup> кабилардир.

**Учинчи хужжат**, давлат ва хусусий секторда коррупция ҳолатларни олдини олишга қаратилган яна бир кенг тарқалган халқаро хужжатлар Коррупцияга қарши ҳамкорлик ишчи гурӯҳи (*Partnering Against Corruption Initiative*) томонидан 2004 йилда ишлаб чиқилган Коррупцияга қарши курашиш халқаро принциплари (*Global Principles for Combating corruption*) ҳисобланади. Халқаро хужжат дунёнинг йирик иқтисодий салоҳиятидаги Жаҳон иқтисодий форумининг аъзолари, ТІ вакиллари (*Texas Instruments Incorporated is an American technology company*) ва Базел бошқарув институти (Basel Institute on Governance) вакилларини ўз ичига олади<sup>71</sup>.

Коррупцияга қарши ҳамкорлик ишчи гурӯҳи томонидан 2013 йилда халқаро бозор талабларига мувофиқ ушбу халқаро принциплар (*Principles of PACI*) қайта кўриб чиқилди. Бунда фаолияти бизнесга йўналтирилган компаниялар учун комплаенс тизимини жорий этишнинг 6 та асосий принципларини ўз ичига олди.

- 1) ***Tone at the top*** - компания рахбарияти томонидан коррупцияга нисбатан муросасизлик истаги ва интилишларини шахсий намуна асосида жамоага намойиш этиши.
- 2) ***Zero tolerance to corruption*** - коррупция ҳолатлар юзага келишига нисбатан “0 (нол)” даражадаги чидамлилик маданиятини шакллантириш.
- 3) ***Transparency*** - корпоратив шаффофф фаолиятнинг таъминланиши ошиши.
- 4) ***Compliance*** - компания фаолиятининг барча соҳаларида мақсимал қонунга риоя этилишини таъминлаш.

---

<sup>70</sup> APES Anti-Corruption Code of Conduct for Business 2007// [Электрон манба]. URL: <https://www.apec.org>.

<sup>71</sup> Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_PACI\\_Global\\_Principles.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles.pdf).

**5) Counterparty** - юқори ахлоқий, коррупцияга қарши курашиш стандартларига риоя этувчи бизнес ҳамкорлар билан муносбатни йўлга қўйиш.

**6) Мунтазам коррупцияга қарши курашиш ташаббусларни қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш<sup>72</sup>.**

**Тўртинчи хужжат**, ИХТТ томонидан 2014 йилда давлат сектоидаги коррупция ҳолатларга қарши корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларини имплементация этишнинг самарадорлигига оид “**Давлат секторидаги корхоналарда корпоратив бошқарув бўйича Йўриқнома**”<sup>73</sup> ишлаб чиқилган бўлиб, унда бир қатор коррупцияга қарши курашиш қоидаларини ўз ичига олади:

давлат улуши мавжуд компанияларнинг коррупцияга қарши курашишга оид корпоратив стратегияларни шакллантириш ва тасдиқлаш ҳамда мунтазам ушбу стратегиялар таҳлилини юритиш ва янгилаб бориш;

коррупцияга қарши кушашишга оид самарали индикаторларни белгилаш ва асосий хавфларни аниқлашнинг мунтазамлигини таъминлаш;

молиявий операциялар, меҳнат ва солиқ қонунчилиги билан боғлиқ коррупция хавфларини бошқариш бўйича самарали назоратни тизимини амалга ошириш ва бунда алоҳида штат бирликларига эга тузилма ташкил этиш (комплаенс хизмати);

компания томонидан ошкор этилиши лозим бўлган маълумотларни ўз вақтида жамоатчилик муҳокамасига (ошкоралик тамойиллари) асосида тақдим этиб борилишини таъминлаш;

компания бошқарувининг коррупцияга қарши курашишдаги чидамлигини баҳолаб бориш;

---

<sup>72</sup> Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_PACI\\_Global\\_Principles\\_for\\_Countering\\_Corruption.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles_for_Countering_Corruption.pdf).

<sup>73</sup> OECD (2014) Guidelines on corporate governance of state-owned enterprises// [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org>.

компания бошқаруви директори фаолиятига ҳақ тўлаш механизмларини ишлаб чиқиши ҳамда компаниянинг бошқарувни самарали ташкил этишга оид (менеджмент) дастур ва режаларини мунтазам ривожлантириб бориш<sup>74</sup>.

Бундан ташқари, давлат компанияларининг фаолият самардорлигини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши **комплаенс дастурларини** ва одоб-аҳлоқ стандартларини жорий этилиши корпоратив бошқарувдаги таъсири ҳакида кўрсатилади.

Корпоратив бошқарувнинг ИХТТнинг тамойилларида корпоратив бошқарув тизими шаффоф ва адолатлигини таъминлаш, иқтисодий манбаларнинг самарали тақсимланиши ва фаолиятнинг ҳар қандай коррупциядан ҳоли бўлиши айнан компания бошқаруви қай даражада ташкил этилганига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

**Бешинчи хужжат**, коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тизимини ҳуқуқий-норматив жиҳатдан тартибга соладиган яна бир халқаро стандартлардан бири, Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган (янги таҳрирда) банк назорати бўйича “**Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида**”ги хужжати (*The Basel Committee on Banking Supervision*) ҳисобланади<sup>75</sup>. Мазкур тавсиялар банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига таалуқли бўлиб, унда коррупция хавфларини камайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг фаолиятини ўрнатилган қонун ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга қаратилган. Базел тавсиялари ўзида коррупция хавфини юридик жиҳатдан ўрнатилган ёки давлат органлари томонидан қўлланадиган молиявий санкция сифатида баҳолайди<sup>76</sup>.

Базел тавсиялари ўзида комплаенс хизмати фаолиятини юритиш давомида унинг ваколат доирасига кирувчи масалаларнинг қатор рўйхатини белгилайди: қонунлар, ички ўрнатилган қоидалар, хулқ-атвор стандартларига

---

<sup>74</sup> OECD (2014) Guidelines on corporate governance of state-owned enterprises// [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org>.

<sup>75</sup> Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков // [Электрон манба]. URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf).

<sup>76</sup> Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба]. URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf).

мувофиқ ҳаракат қилиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, мижозларга тенглик асосида муносабат билдириш ҳамда мижозларга кўмак беришда адолатли ёндашувни жорий этиш, фаолият шаффофлигини жамоатчилик назорати элементлари асосида ташкил этиш, жиноий даромадлар ва терроризмни легаллаштиришга қарши курашиш, ходимларнинг белгиланган қонун ва қоидаларга риоя этишлари устидан назоратни амалга ошириш каби фаолият йўналишлари белгиланган.

Базел тавсияларида банкларда комплаенс хизматнинг мақомини белгилаш билан боғлиқ алоҳида тавсиялар мавжуд бўлиб, унда коррупциянинг олдини олиш фақатгина соҳа мутахассислари “комплаенс офицер” вазифаси бўлиб қолиши керак эмас, балки банк корпоратив маданиятининг ажралмас қисми бўлиши керак дейилади ва ушбу тартиб банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатида аниқ ўрнатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган “Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида”ги хужжатидаги тавсияларда банк ва компанияларда комплаенс назорат тизимини ташкил этиш ва комплаенс хизмати томонидан коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ташкил этишда қуйидаги **тавсиялар келтириб ўтилади:**

компаенс хизмати фаолиятининг мустақиллигини таъминловчи механизmlарни яратиш;

агарда банкнинг турли бўлимлари томонидан комплаенс назорат функциялари бажариш ҳолатлари ўрнатилган бўлинса, бундай ҳолатда раҳбарият томонидан ички хужжатлар билан улар ўртасидаги вазифа аниқ ажратиб ўтиш лозим бўлади, бунда комплаенс функцияларнинг бажарилиши асосан ушбу хизмат фаолияти этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки вазифаларнинг такрорланиши комплаенс хизматнинг самарадорлиги ва мустақил фаолиятига таъсир қиласи;

компаенс хизматининг коррупцияга оид хулосаларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ижро органларига эркин тақдим этиш ва ошкор қилиш хуқукини таъминлаш;

комплаенс хизмати мавжуд коррупция ҳолатлари ҳақида мунтазам равишда раҳбариятга ҳисобот тақдим этиши;

комплаенс хизматнинг фақатгина раҳбариятга бўйсуниш мақомини белигилаш<sup>77</sup> қатор устувор вазифалар тавсия сифатида келтириб ўтилган.

Шу ўринда айтиш лозимки, Базел қўмитасининг “Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида”ги ҳужжатда комплаенс хизмат фаолиятни ташкил этишдаги самарали тартиблар акс этган бўлишига қарамай, унда белгиланган нормалар фақатгина тавсиявий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда МДҲга аъзо аксарият давлатлардаги банк сектори маълум қисмигина тавсияларга мувофиқ комплаенс хизматлари ташкил этилган. Халқаро иқтисодий капиталга эга бўлган “Citibank” ёки “HSBC Holdings”<sup>78</sup> каби банкларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу тариқа коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимиға оид халқаро стандартлар ҳуқуқий таҳлилига якун ясар эканмиз, **қуийдаги хуносага келиш мумкин.**

Хусусан, халқаро стандартлар коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали профилактик чоралари сифатида бухгалтерия ҳисботини юритиши устидан назорат ва аудит стандартларини кучайтириш, давлат ва хусусий секторда ички идоравий назорат механизmlарини такомиллаштиришни ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳабар бериш мукаммал тизими (whistle blowing policy) яратишни назарда тутади.

Коррупцияга қарши курашищдаги мазкур элементлар бевосита комплаенс назорат тизимини қамраб олувчи таркибий қисми ҳисобланади.

---

<sup>77</sup> Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба]. URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf)

<sup>78</sup> Хабриевой Т.А., Федорова А.В. Антикоррупционные стандарты Организации экономического сотрудничества и развития в Европе // монография, 2015.–с.74. [Электрон манба]. URL: <https://znanium.com>.

## **§ 2.2. Хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг моделлари**

Халқаро тажрибада коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг вужудга келиши аксарият хорижий давлатлар миллий қонунчилигига акс этган самарали тенденциялардан бири ҳисобланади. Ўз-ўзидан бу жараёнда давлатларнинг ушбу соҳадаги сиёсати идоравий назорат механизмларини такомиллаштиришни назар тутувчи комплаенс назорат тизимини миллий амалиётларига жорий этиш билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар амалиётида комплаенс назорат тизимининг жорий этилиши ва ушбу муносабатларни қонунчиликда акс этиши уларнинг тажрибасида ўзига хос моделларни вужудга келтирди.

Куйида халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган комплаенс назорат тизимининг “моделлари”ни хорижий давлатлар тажрибаси мисолида кўриб чиқамиз.

### **Комплаенс назорат тизимининг “Америка модели”.**

АҚШнинг иқтисодий тараққиётига коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг кириб келиши мамлакатда йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган корпорация ва компанияларнинг пайдо бўлиши ва улар фаолиятида коррупция муаммолар бўлса, яна бир жиҳати АҚШ бозорларининг дунё иқтисодий марказига айланиб бориши бўлди.

Ушбу тизимнинг АҚШ қонунчилигига юридик жиҳатдан мустаҳкамланиши 1977 йилда “Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Акт”<sup>79</sup> ва 2002 йилда “Сарбейнз-Оксли тўғрисидаги Акт”<sup>80</sup> каби қонунларнинг қабул қилиниши комплаенс назорат тизимининг асосан компанияларнинг хорижий фаолиятида коррупцияга қарши курашишдаги “АҚШ модели”ни яратди.

<sup>79</sup> Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494, Dec 19, 1977// [Электрон манба]. URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/statute-91/pdf/statute-91-pg1494>.

<sup>80</sup> Sarbanes-Oxley Act of 2002. Corporate responsibility. // Public law 107. 204-july 30, 2002// [Электрон манба]. URL: <https://www.sec.gov/answers/about-lawsshtml.html#sox2002>.

Айтиш мумкинки, ушбу қонунларнинг вужудга келиши ва ундаги муносабаларни 2 босқичга ажратган ҳолда комплаенс хизмати ташкил этилишининг ушбу моделининг ўзига хос жиҳатларини қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Биринчи босқич**, “Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги акт”нинг қабул қилиниши билан боғлиқдир. АҚШлик комплаенс эксперти Анна Эбергард илмий мақоласида FCPA нинг қабул қилиниши ва ундаги асосий талаб корпорация ва компанияларнинг таркибида комплаенс хизмати ташкил этилиши шарт эканлигинии қўрсатади<sup>81</sup>.

Комплаенс талаблари асосан давлат иштирокидаги компанияларга тааллуқли бўлиб унинг таҳлил натижасида қўйидаги алоҳида жиҳатларини қўрсатиш мумкин:

коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ўзида мужассам этган қатъий назорат қоидалари ўрнатилди;

бухгалтерия ҳисобини юритиш шакллари ва молиявий ҳужжатларга қўйиладиган талаблар жорий етилди;

ҳар қандай чет эллик мансабдор шахсга, шунингдек сиёсий лавозимга номзодга ва сиёсий партияларга моддий ёки номоддий наф келтирувчи ҳар қандай ҳолатларни юзага келтириш, ваъда бериш ёки таклиф этишга қаратилган коррупция ҳолатларга қарши курашиш тартиблари белгиланган.

Қонун компаниялар ички бухгалтерия ҳисобини юритиш назорати ва молиявий ҳисботларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиши билан бир қаторда ўз **контрагентлари** (*фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида шартнома тузувчи тараф*) билан ҳамкорликни ўрнатишда коррупция оид ҳуқуқбузарликлардан ҳоли бўлишини таъминловчи чораларни кўришни белгилайди.

FCPA компаниялар фаолиятида коррупцияни олдини олишга оид асосий чоралардан бири айнан **бухгалтерия ҳисобини назоратининг шаффоф**

---

<sup>81</sup> Anne Eberhardt “How the Foreign Corrupt Practices Act Came to Be” July 3, 2018 // [Электрон манба]. URL: <https://www.corporatecomplianceinsights.com/foreign-corrupt-practices-act-came>.

**ва аниқлигини таъминлаш** орқали амалга оширилади. Қонуннинг “Савдосотик ва тижорат” номли ўн бешинчи бўлимида “ҳисобот шакллари; бухгалтерия дафтарлари, ёзувлар ва бошқарув ҳисоби; фармойишлари”нинг тартиби ва уларга қўйилган талаблар келтирилган:

(A) компанияда амалга ошириладиган битимлар ва моливий операцияларнинг ҳисобларни аниқ, шаффоф ва адолатли рақамларида акс эттириб бориши мунтазамлигини таъминлаш;

(B) компаниялар ўртасида шартнома ва битимлар фақатгина раҳбариятнинг умумий ёки маҳсус рухсати билан амалга ошириш<sup>82</sup>.

**Фикримизча**, қонун қисқа таҳлили шуни кўрсатадики, компанияларда ташкил этиладиган комплаенс хизматларнинг асосий вазифаси айнан компания обрўсини, миллий ва хорижий конторагентлар билан муносабатларда коррупция хавфлари, ҳукуқбузарликлар юзага келишини олдини олиш механизмларини яратиш ва қонун талабларига мувофиқ уларнинг мукаммал механизмларини ишлаб чиқиши ўз ичига олади.

**Иккинчи босқич**, АҚШда “Сарбейнз-Оксли тўғрисидаги Акт”нинг қабул қилинишига тўғри келади.

Профессор Росемари Карлсоннинг “Сарбейнз-Оксли тўғрисидаги Актининг қабул қилинишига олиб келган Энрон жанжали” номли илмий мақоласида келтирилишича қонуннинг қабул қилиниши йирик компанияларнинг корпоратив бошқарув тизимида чуқур коррупциявий муаммолар ва уларнинг инсофсиз раҳбарлари билан боғлиқ қатор **коррупция ҳолатларининг натижаси** ҳисобланади дея кўрсатиб ўтилади<sup>83</sup>.

2000 йиллар бошида *Enron, WorldCom ва Global Crossing* каби корпорациялар иштирокидаги йирик молиявий жанжаллар юзага келиши билан боғлиқдир<sup>84</sup>. Бу каби ҳолатларнинг рўй беришининг асосий

<sup>82</sup> Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494, Dec 19, 1977// [Электрон манба]. URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/statute-91/pdf/statute-91-pg1494>.

<sup>83</sup> Rosemary Carlson “The Enron Scandal That Prompted the Sarbanes-Oxley Act” Updated November 16, 2019// [Электрон манба]. URL: <https://www.thebalancesmb.com/sarbanes-oxley-act-and-the-enron-scandal-393497>.

<sup>84</sup> Rosemary Carlson “The Enron Scandal That Prompted the Sarbanes-Oxley Act” Updated November 16, 2019// [Электрон манба]. URL: <https://www.thebalancesmb.com/sarbanes-oxley-act-and-the-enron-scandal-393497>.

сабабларидан бири сифатида корпорациялар ички тизимидағи коррупцияга қарши курашии механизмларининг мустаҳкам эмаслиги этиб белгиланди ва ушбу ҳолатлар SOХнинг қабул қилинишига олиб келди.

Қонун ўзида комплаенс назорат хизматини ташкил этадиган коррупцияга қарши курашиш сиёсати орқали комплаенс хизматнинг “АҚШ модели”ни янада такомиллаштириди. Қонун компания ва ташкилотларнинг молиявий ҳисботи ва уни тайёрлаш жараённига қўйиладиган талабларни сезиларли даражада кучайтиради, FCPAдан фарқли ўлароқ **корпоратив аҳлоқ кодексини** компаниялар томонидан қабул қилиш мажбурияти белгиланди<sup>85</sup>

АҚШлик комплаенс соҳасидаги катар тажрибага эга эксперт Аллен Робертс SOХни таҳлилига оид илмий изланишлар амалга оширган бўлиб, унда комплаенс хизматини тартибга солища қўйидаги асосий жиҳатларини кўрсатиб ўтади.

*Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳабардор этувчилар (whistleblowers) ҳимояси* компания фаолиятида чинакам шаффоффликни таъминлаш мақсадида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан комплаенс хизматга ёки маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органларига хабар этиш тартибининг аниқ қоидалари кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда SOХнинг 806 ва 1107-моддаларида коррупция ҳолатлари ҳақида кўнгилли равишда хабар етказувчилар ҳимоясининг ишончли механизмларини кўрсатиб ўтади. Унга кўра, ўз ҳохиши билан компанияда мавжуд коррупция ҳолатлари ҳақида масъул ички тузилмаларга хабар берувчиларнинг шахси сирлигича сақланиши, уларнинг бундай ҳаракатлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай хавфлардан ишончли ҳимояси айнан комплаенс хизматлар томонидан амалга оширилиш белгилаб ўтилади.

---

<sup>85</sup> Я.С.Якунчиков “Международные стандарты комплаенс-контроля как инструменты координации в условиях экономической интеграции” 15 апреля 2015, [Электрон манба]. URL: <https://cyberleninka.ru/article>.

*Комплаенс аудити сиёсати* қонун талаблари тадбиқ этиладиган ҳар бир компания таркибида “Компанияларининг молиявий ҳисоботларини бошқариш бўйича Кузатув кенгаши жамияти”<sup>86</sup> ташкил этилган бўлиб, ҳар йили камида бир марта ўз компаниялар ўз фаолиятини коррупция хавфларидан ҳоли эканлигини текшириш асосида аудит текширувлари ўтказилишини мажбурий қоида сифатида белгиланган.

Бу жараёнда манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай кўринишини олдини олиш мақсадида компания фаолиятига алоқадор бўлмаган ташқи аудиторлик фирмалари жалб этилади. Қонуннинг яна бир ўзига қоидаси шундаки, аудиторлар томонидан ўтказилган аудит текширувларининг хulosаси бўйича компания вакиллариға эмас, балки давлат органи ҳисобланган “Аудиторлар қўмитаси” (**Audit committee**)га<sup>87</sup> тақдим этилиши белгиланган.

Тушуниш мумкинки, ушбу жараёнларда давлатнинг аралашуви компаниянинг коррупция хавфлардан қай даражада ҳоли эканлиги тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва бу бўйича хулоса қарорини қабул қилишдан иборат бўлади.

*Кадрлар сиёсати қоидалари* SOX қоидалари компаниянинг кадлар сиёсатини ҳам ўз ичига олади. Кадрларни танлаш, лавозимга тақдим этиш тартиблари, уларга иш ҳақи тўлаш механизмларининг шаффофлиги, имтиёзлар жаратилиши, пуллик таътил ва ўкув харажатлариға оид барча қоидалар қонуннинг 404-моддасига асосан ташкил этилади.

Унда компанияларга ахлоқ кодекси, ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича даврий ўқитилишини ўз ичига олган этика дастурини қабул қилишни талаб қиласди. Қонуннинг 406-моддасида ҳар бир компания томонидан фаолиятини тўғри ташкил этишга қаратилган корпоратив ахлоқ

---

<sup>86</sup> Martin Kling “History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, 2017-year, p 54. [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.

<sup>87</sup> Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013 [Электрон манба].URL: <https://www.ebglaw.com>.

кодексини қабул қилишни белгилайди<sup>88</sup>. Бунда комплаенс хизматнинг ўрни компания ходимларининг ахлоқ кодексига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишида кўринади.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак,** коррупцияга қарши курашиш комплаенс хизматини тартибга солувчи мазкур қонунлар асосида “АҚШ модели” вужудга келди. Унда комплаенс назорат тизимининг ўрни эса аксарият ҳолатларда АҚШ бозирида иштирок этаётган ҳар бир компания ўзида ички комплаенс назорат тизимларини ташкил этиш мажбуриятини белгилайди.

### **Комплаенс назорат тизимининг “Буюк Британия модели”.**

Дунё иқтисодиётида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизими шаклланишининг кейинги кўриниши бу Буюк Британия қонунчилиги билан боғлиқдир. Буюк Британиянинг “Порахўрлик тўғрисида акт” қонуни (**UK Bribery Act**)<sup>89</sup> 2010 йил 8 апрелда қабул қилинган ва 2011 йил 1 июлдан қонуннинг амал қилиши бошланган.

Мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги кенг тарқалган ва хорижий давлатлар, халқаро компаниялар томонидан кенг муҳокама қилинган хорижий актлардан бири ҳисобланади. Халқаро доирада бу каби муҳокамаларнинг асосий сабаби, ушбу қонун қоидалари нафақат Британияда, балки хорижий компаниялар, Британия фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам тадбиқ этилиши мажбурияти белгиланди.

Қонуннинг бир қатор нормалари турли хорижий мамлакатлар компанияларнинг коррупцияга қарши сиёсатини қайта ташкил этишга сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу муносабат билан илмий ишда тадқиқ қилинаётган Буюк Британия қонунида акс этган қатор қоидалар орқали коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг ривожланиши ва ушбу соҳада “Буюк Британия

---

<sup>88</sup> Martin Kling “History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, 2017-year, p 54. [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.

<sup>89</sup> UK Bribery Act of 2010// [Электрон манба]. URL: <http://www.legislation.gov.uk>.

модели”нинг ўзиги хослигини таҳлил этамиз. Қонун нафакат Британияда, балки турли хорижий давлатлар ва компанияларда коррупцияга қарши комплаенс хизматларнинг ривожланишига таъсир этиши бир неча омилларга боғлиқдир.

**Биринчи сабаби**, қонундаги аксарият қоидалар компанияларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг жиноий жавобгарликдан ҳимоя қилишнинг аниқ механизмларини мужассам этади.

Буюк Британия қонуни компаниялардан коррупцияга қарши сиёsatни қабул қилишни ёки коррупцияга қарши курашиш вазифаларини амалга оширувчи алоҳида штат бирликларига эга бўлган маҳсус бўлим ва ходимларни тайинлашни талаб қилмайди<sup>90</sup>. Бунда қонун ўзида компания томонидан фаолиятини ташкил этишда коррупциянинг олдини олиш бўйича “*Талабга жавоб берадиган тартиб-қоидалар*”ни (*Adequate procedures*)<sup>91</sup> белгилашни кўзда тутади. Мазкур тартибларнинг компанияларда жорий этилишининг ўзи коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг тўғри ташкил этилишига асосий омил бўлиб хизмат қиласи ва бунда алоҳида субъектларнинг ташкил этилишига зарурият қолмайди. Бу каби тартиблар компанияларда жорий этилиши уларнинг коррупцияга оид жиноий жавобгарликлардан ҳимоя қилишдаги самарали тизими ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу тартиблар компанияларнинг жавобгарликка тортилиш хавфидан ташқари, фаолият имиджини бир маромда сақлаш, унинг обрўсига зарап етказадиган турли хавфлардан ҳимоя қилиш каби натижаларга ҳам хизмат қиласи.

**Иккинчи сабаби**, Буюк Британиянинг “Порахўрлик тўғрисидаги акт”даги қоидалар бевосита хорижий компанияларга нисбатан қўлланилиши ёки бундай таъсир этиш Британия компаниялар орқали улар амалга оширилади.

---

<sup>90</sup> STA Law Firm “UK: Anti Bribery & Anti Corruption Law In The United Kingdom” 26 July 2019; [Электрон манба]. URL: <https://www.mondaq.com/uk>

<sup>91</sup> Adequate Procedures – Guidance to the UK Bribery Act 2010 // [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org.uk>.

Қонуннинг 9-бўлими коррупцияга қарши курашиш комплаенс назоратнинг “Британия модели”ни ташкил этишнинг аниқ тавсияларини келтириб ўтилгандир. Унга кўра компанияларда коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тартиб ва қоидалар Буюк Британия Адлия вазирлиги томонидан нашр этилган Йўриқнома кўрсатилган тавсияларга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозимлиги кўрсатилган.

Адлия вазирлиги томонидан 2011 йилда компанияларда коррупцияга қарши тартиб-таомилларларни жорий этишга қаратилган **6 та тамойил** бўйича тавсия берилган:

**Тартиб-таомилларларнинг мутаносиблиги.** Бунда жорий этиладиган тартиблар компания дуч келадиган хавф даражасига, унинг хажми ва бизнеснинг хусусиятларига мос келиши керак.

**Юқори раҳбариятнинг мажбуриятлари.** Бунда компаниянинг юқори раҳбарияти ва эгалари компания ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш чораларини қўришлари ва ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини қўришлари лозим.

**Хавфларни баҳолаш.** Компанияда коррупцияга хавфлари ички ва ташқи хавфларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши керак. Хавфларни баҳолаш вақти-вақти билан ўтказилиши ва унинг натижалари расмийлаштириб борилиши лозим.

**Дью дилидженс (лозим даражада текшириш).** Компания коррупцияга оид жиноятлар келиб чиқишини камайтириш учун компания номидан ёки унинг номидан иш олиб борадиган шахсларга тегишли тартибларни қўллаши керак.

**Мулоқот (шу жумладан, ўқитиш).** Компания ходимлари ва ҳамкорлари ўртасида коррупцияга қарши сиёsatни таъминлаши, шу жумладан уларни доимий равишда ўқитиш чораларини кўриш лозим.

**Тартиб-таомиллар мониторинги.** Компания коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларни мунтазам равишида кузатиб бориши ва зарур бўлгандага уларга ўзгартиришлар киритишлари керак<sup>92</sup>.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида Буюк Британиянинг коррупцияга қарши курашиш қонунчилигининг комплаенс назорат тизими қоидаларини ташкил этишида қуйидаги **ўзига хос бир нечта асосий хусусиятлари мавжуддир:**

- коррупция ҳолатларини содир этишга мойил шахслар, пора олувчиларнинг бундай ҳаракатларини содир этилишини олдини олишга қаратилган аниқ механизмлар мажмuinи қамраб олади;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасидаги жавобгарлик, нафакат Буюк Британия компанияси ва унинг мансабдор шахсларига нисбатан, балки хорижий компаниялар шахсларига таъсир қиласди;
- коррупцияга қарши курашишни ташкил этувчи “**Талабга жавоб берадиган тартиб-қоидалар**” асосида компаниялар ўз фаолиятини ташкил этиш нафақат Буюк Британияда рўйхатдан ўтган компанияларга, балки мамлакатда иш олиб борадиган хорижий компанияларнинг мажбурияти сифатида белгиланади;
- Британия қонунчилиги АҚШ қонунчилигидан фарқли равишида фақатгина давлат сектори фаолият юритувчи мансабдор шахсларнинг коррупция жиноятлари учун эмас, балки хусусий компаниялар ўртасидаги муносабатлар доирасида юзага келадиган коррупция ҳолатларига ва хусусий сектор мансабдор шахсларининг коррупция жиноятлари учун жавобгарлигини ҳам белгилаб ўтади;
- қонун пора сифатида нимани тушуниш кераклигини ва унинг микдорини аниқ очиб бермайди, аммо коррупция ҳолатларга олиб келувчи нақд тўловлар ва турли хизматларни кўриб чиқиши мумкин, масалан, қиммат

---

<sup>92</sup> Guidance about procedures which relevant commercial organizations can put into place to prevent persons associated with them from bribing. Ministry of Justice. March 2011 [Электрон манба]. URL:<http://www.justice.gov.uk-2010.pdf>.

спорт клубига бепул аъзо бўлиш ёки автомобилдан фойдаланиш кабилардир ва бундай комплаенс хавфларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўришни тавсиялади.

### **Комплаенс назорат тизимининг “Словения модели”.**

Шарқий Европа давлатларидан бири ҳисобланган Словения Республикасида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг юридик жихатдан тартибга солиниши 2014 йил 26 апрелида *“Словения давлат холдингги акти тўғрисида”*ги (*Slovenian sovereign holding Act of 2014*)<sup>93</sup> қонунининг қабул қилиниши боғлиқдир. Қонуннинг 6-боби “Давлат активларини бошқаришда коррупция хавфларни чеклаш, манфаатлар тўқнашуви, ички ахборотнинг аҳамиятига оид чора-тадбирлар” (**Measures to enhance integrity and responsibility and limitation of risks of corruption, conflict of interest and abuse of internal information in the management of assets of the state**)<sup>94</sup> дея номланиб, унда комплаенс назорат тизимининг мақоми ва ваколатлари тартибга солинган.

Ўз навбатида қонунда комплаенс мутахассис лари, хусусан, “комплаенс оффицер (**compliance officer, ethics officer**)” дея юритилган бўлиб, унинг тайинланиши, вазифа ва мажбуриятлари каби тартибларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Жумладан, компаниянинг таъсирчан коррупцияга қарши курашиш қилиш сиёсатини ташкил этиш мақсадида компания томонидан комплаенс офицер лавозимини жорий этиш ва унга етарли малакага эга бўлган шахсларни тайинлаши лозим эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Айтиш мумкинки, мазкур лавозимда фаолият юритувчи шахснинг асосий вазифаси компания фаолиятини қонунларга мувофиқ ташкил этиш ва ходимларнинг белгиланган ички қоидаларга мос равишда риоя этилиши устидан назоратни амлага оширишда намоён бўлади.

---

<sup>93</sup> “Slovenian sovereign holding Act” (ZSDH-1) on 26 April .2014// [Электрон манба]. URL: [https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha\\_1.pdf](https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha_1.pdf).

<sup>94</sup> “Slovenian sovereign holding Act” (ZSDH-1) on 26 April .2014// [Электрон манба]. URL: [https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha\\_1.pdf](https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha_1.pdf).

“Словения давлат холдингги акти түғрисида”ги қонунида ўзига алоҳида этиборли жиҳати шуки, унда комплаенс офицер мақоми, вазифаси ва мажбурияти билан боғлиқ аниқ талабларнинг юридик жиҳатдан тартибга солинганлигидир.

Булар қўйидагилардан иборат:

компаниянинг коррупцияга қарши курашиш асосини белгилаб берадиган **ҳалоллик режаси** (*integrity plan*) ишлаб чиқиш ҳамда унинг фаолиятини шаффофлик ва ҳалолликларни таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилиниши таъминлоб бориш;

аниқланган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатлар ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан хабар беришнинг мукаммал тартибини ишлаб чиқиш, бунда кўнгилли хабардор этувчилар (*whistle blowers*)<sup>95</sup> ҳуқуқларини кафолатли ҳимоясини таъминлаш бўйича аниқ чораларни ўрнатиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда маҳсус ваколатга эга давлат органлари билан ишончли муносабатларни ўрнатиш ҳамда **шаффофлик тамойилига** (*principles of transparency*) риоя этиш бўйича жамоатчиликка ошкор этилиши мумкин бўлган маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтлари ва ОАВлари орқали тақдим этилишини таъминлаш ва қонунда шулар каби бошқа вазифа ва мажбуриятлари белгилаб ўтилган.

Шунингдек, комплаенс офицер томонидан компанияда қабул қилинган “ҳалоллик режаси”сини бажарилишининг назоратини таъминлайди ва самарали амалга оширилиши юзасидан камида **уч (3) ойда бир (1) марта** компания раҳбариятига ҳисбот тақдим этади<sup>96</sup>.

Мазкур нормалардан тушуниш мумкинки, комплаенс ходимларнинг (*compliance officer*) вазифа доираси нафақат коррупция ҳолатларини олдини олиш ёки компания фаолиятини қонун ва қоидаларга мувофик

---

<sup>95</sup> Resolution 2060 (2015)- Improving the protection of whistle blowers. [Электрон манба]. URL: <http://assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref>.

<sup>96</sup> Slovenian sovereign holding Act (ZSDH-1) on 26 April .2014// [Электрон манба]. URL: [https://www.zdruzenje-n.si/db/doc/upl/ssha\\_1.pdf](https://www.zdruzenje-n.si/db/doc/upl/ssha_1.pdf).

ташкил этиш, балки иқтисодий интеграцияда компаниянинг нуфузини (**reputation**) сақлаш каби устувор вазифалар учун ҳам жавобгардир.

Шунингдек, ушбу моделнинг яъна бир ўзига хослиги, коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор этишнинг мукаммал тизими тартибга солинган. Яъни, қонуннинг 57-моддаси “ноқонуний ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш” дея номланиб, бунда компания раҳбариятидан тортиб компаниянинг энг қуий лавозимдаги ходимлар ҳар қандай коррупция ҳолатлар ҳақида ҳар қандай шубҳали алоқалар юзасидан компаниянинг комплаенс хизматига кечиктириб бўлмайдиган тарзда, (**хабар топгандан бошлиб 3 кун ичида**) хабар бериши компаниянинг “ҳалоллик режаси”га асосан мажбурий этиб белгиланган<sup>97</sup>.

Комплаенс хизмати бош офицери (*Chief compliance officer*)<sup>98</sup> томонидан маълумот тасдиқланишга қадар коррупция ҳаракатларини содир этаётган ходимларнинг **махфий реестрини** юритади ва лозим ҳолларда раҳбариятга улар ҳақида маълумот тақдим этади.

Шунингдек, кўнгилли равишда коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор этувчиларнинг хуқуқларини ҳимоя этиш, уларнинг шахси тўла маҳфий сақланади, лозим ҳолларда раҳбариятга ҳам уларнинг шахси билан боғлиқ маълумотлар тақдим этилмаслиги кўрсатилган ҳамда комплаенс хизмат томонидан уларнинг маҳфий рўйхатини тузиб борилиши белгиланган.

Бу борада **Словения Миллий банкининг комплаенс хизмати бошлиғи Р.Патришич**<sup>99</sup> билан ўтказилган ўзаро онлайн мулоқотда, комплаенс хизматнинг айнан коррупциявий ҳолатлар ҳақида беришнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Унга кўра ходим коррупция ҳолатлар ҳақида хабар топган тақдирда ўз вақтида хабар бермаганда унга нисбатан катта миқдордаги молиявий

<sup>97</sup> Tom Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; [Электрон манба].URL: <https://www.researchgate.net>.

<sup>98</sup> Tom Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; [Электрон манба].URL: <https://www.researchgate.net>.

<sup>99</sup> Словения Миллий банкининг комплаенс хизмати бошлиғи Р.Патришич ва муаллиф ўртасида “ZOOM” платформаси орқали “Комплаенс ўзиги хослиги Словения мисолида” номли сухбатдан олинган маълумотлар. (сухбат ўтказилган сана: 30.03.2020 й.).

жарималар қўллаш асос бўлади ёки ходимга нисбатан ишончнинг йўқотилиши асосида у билан меҳнат шарномасини кечикириб бўлмайдиган тарзда бекор қилиниши амалиётда жорий этилганлиги ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, эксперт комплаенс оффицерлар фаолиятини амалга ошириш давомида махсус ваколатларига (*масалан, коррупциявий ҳолатларни олдини олишда компания ходимларининг телефон сухбатларини тинглаш, тинтув ва бирк*) алоҳида тўхталиб ўтди.

Словенияда бу каби ваколатлар фақатгина суднинг ордери билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколати ҳисобланади. Ушбу вазиятда комплаенс офицер мазкур ҳолат тегишли давлат органига асослантирилган ариза билан мурожаат этади ва ушбу жараён биргаликда давом эттирилади.

Аммо **Г.Патриниччининг** таъкидлашича коррупция ҳолатларида комплаенс хизмати махсус ваколатларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан ибоат:

1. Комплаенс офицер компаниянинг ҳар қандай хужжати (маҳфий) ва маълумотлар базаси билан таниша олади;
2. Банкнинг барча ходимларини ҳолат юзасидан сўроқ қила олади;
3. Ҳолат юзасидан банк ичida видеокузатувларни амалга ошириши ёки банкдаги мавжуд барча хоналарда тинтuv ўtkaza олади (хуқукий асос билан);
4. Ходимларнинг электрон хужжат айланмасини, кимлар ёзишганлигини, бунда ички ёзувлар эмас, балки ким билан қанча вақт давомида ёзишмалар амалга оширганини текшира олади. Аммо компаленс хизмати томонидан ушбу ҳаракатларнинг барчasi хуқукий жиҳатдан асосланган бўлиши ва ходимларнинг шахсий хуқуqlariiga даҳл қилмаслиги шарт бўлади.

Коррупция хавфи сифатида баҳоланувич яна бир омил совғалар қабул қилиниши ва тақдим этилиши билан боғлиқ аниқ қоидалар акс этган, қонуннинг 2-бўлимида “манфаатлар тўқнашувининг чекланиши ва унинг

олдини олиш чоралари”<sup>100</sup> кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра компаниянинг барча ходимларига (компания раҳбарияти ва масъул лавозимдаги шахсларнинг оила аъзолари ҳам инобатга олинади) манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаришга қаратилган совғалар ёки номоддий наф олиш мумкин бўлган имтиёзлардан фойдаланиши қатъян ман этилади.

Бу каби чекловларга қарамай қонунда компания ходими томонидан тасодифий, рамзий ёки реклама хизмати (*an occasional, symbolic or promotional gifts*) сифатида **75 еврогача** (агар совға айнан бир шахс томонидан тақдим этилаётганда, **1 календар йили давомида 150 еврода**н ошмаслиги лозим)<sup>101</sup> бўлган миқдордаги совғани қабул қилиши мумкин бўлади. Ҳар бир ходим томонидан қабул қилинган совға тўғрисида комплаенс хизматига хабар бериши шартдир, агарда совғанинг қиймати ўрнатилган миқдордан ошган тақдирда мазкур совға компания мулкига айланиши лозим эканлиги кўрастиб ўтилган.

**Фикримизча,** Словенияда комплаенс хизмат фаолиятини тартиба солишга қаратилган мазкур қонунчилик таҳлили “Словения модели”ни яратган ушбу хорижий давлатлар қонунчилиги фарқли равишда “комплаенс оффицер”лар ҳуқуқий мақоми ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг аниқ механизмлари батафсил акс эттирилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида **хулоса қилиш мумкинки**, айрим хорижий мамлакатларда комплаенс хизматининг асосий вазифаси компаниянинг фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хорижий давлатлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда унинг халқаро доирадаги имиджини оширишга қаратилгандир, шунингдек, комплаенс хизматига кадрлар масаласи ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг аниқ тартиблари алохида қўрсатиб ўтилади.

---

<sup>100</sup> Slovenian sovereign holding Act (ZSDH-1) on 26 April .2014// [Электрон манба]. URL: [https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha\\_1.pdf](https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha_1.pdf).

<sup>101</sup> Slovenian sovereign holding Act (ZSDH-1) on 26 April .2014// [Электрон манба]. URL: [https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha\\_1.pdf](https://www.zdruzenje-si/db/doc/upl/ssha_1.pdf).

### **III. БОБ. КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ТАДҚИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **§ 3.1. Комплаенс назорат тизимининг назарий ва ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари**

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар озчилик ташкил этмоқда. Хусусан, бугунги кунда комплаенс назорат тизими илмий жиҳатдан тадқиқ этилмаган мавзу ҳисобланади. Айтиш лозимки, йилдан-йилга коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қўлланилиб келаётган мазкур профилактик тизимни илмий ва ташкилий-хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни қўйидаги икки йўналишга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **I. Илмий-назарий асосларни такомиллаштриш масалалари**

Комплаенс назорат тизимини тадқиқ этишда илмий изланишлар олиб борган аксарият олимлар, шу жумладан тадқиқотчи Карен Хуссманнинг таъкидлашича давлат ва хусусий секторда ҳар бир соҳага мувофиқ ва лозим даражада тўғри ташкил этилган *коррупцияга қарши сиёсати* комплаенс назорат тизимини ташкил этишининг асосий механизми ҳисобланади ва фаолиятининг тўғри ташкил этишини таъминловчи асосий элементи ҳисобланади<sup>102</sup>.

Ушбу соҳада самарали тажрибага эга хорижий давлат ва халқаро компанияларнинг амалиётига асосан комплаенс назорат тизими дастури илмий асосларини такомиллаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозимdir.

**Корпоратив ахлоқ кодекси** ушбу хужжат давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятининг жамоавий юриш-туриш қоидаларини белгиловчи меъёрий локал хужжати ҳисобланади. Россиялик олима Г. Бочаеванинг ушбу мавзуга оид илмий мақоласида ахлоқ кодекси компания

---

<sup>102</sup> Karen Hussmann “Anti-corruption policy making in practice: What can be learned for implementing Article 5 of UNCAC?”// [Электрон манба]. URL: <https://www.cmi.no/publications/file/3551-anti-corruption-policy-making-in-practice.pdf>.

ва ташкилот фаолиятининг барча йўналишларини тартибга солишга қаратилган кенг муносабатларни қамраб олади ва ички доирада барча учун норматив аҳамиятга эга бўлган аҳлоқ қоидаларини белгилайди<sup>103</sup> дея таъкидлаб ўтади. Масалан, манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган аниқ қоидалар, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар, совғалар тақдим этиш қабул қилиш тартиби, коррупцияга қарши курашиш қоидалари, коррупцияга оид хукуқбузарликлар юз берганда ходим томонидан бу ҳақида ваколат эга бўлган таркибий тузилмага (комплаенс хизматига) маълумот бериш тартиби ва ходимнинг ўз фаолиятида риоя қилиши лозим бўлган бошқа шу каби нормативларни ўз ичига олади.

**Совға ва кўнгилочар тадбирлардаги ҳаражатлар сиёсати** компания ва ташкилот фаолиятини коррупция хавфлардан ҳимоя қилиш мақсадида совғалар қабул қилиниши ва кўнгилочар тадбирларга сарфланадиган ҳаражатлар тартибини аниқ белгилаб олиши зарур ҳисобланади. Ушбу тартиб коррупция ҳолатларни олдини олишга қаратилган бўлиб, раҳбар ёки ходимнинг ўз фаолиятини амалга ошириш давомида тақдим этилаёдиган ва қабул қилинадиган моддий қийматдаги ҳар қандай совға бироқ моддий манфаат олиб келадиган таклифларга (*турли ҳаражатларнинг қопланиши, кўнгилочар дастур, саёҳатларга таклифлар бўлиши мумкин*) оид аниқ профилактик чора-тадбирлар тартиблар белгиланади.

Британиялик комплаенс эксперти Скотт Филостин совғаларнинг коррупция хавфи сифатида ёритилган илмий мақоласида соғаларнинг коррупциядан фарқли жиҳатларини аниқлашда қуйидаги тартибларни ўз ичига олиши мумкинлигини кўрсатади. Яъни, совғаларнинг аниқ миқдори, қандай тадбирда ва кимларга тақдим этилиши ёки қабул қилиниши, совға предмети нималардан ташкил топиши мумкин ва бошқа шу каби аниқ

<sup>103</sup> Бочаева Г. В., Кодекс корпоративного поведения как элемент системы корпоративного управления// Текст: непосредственный // Молодой ученый. -2016.- № 10 (114). - С. 630-634. [Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/archive/114/30047>

нормаларни ўз ичига олади<sup>104</sup>. Бунда мазкур қоидалар совғаларни қабул қилиниши ва тақдим этилишини чеклаш ёки батамом тақиқлашни ўз ичига олмайди, улар фақатгина уларнинг миқдори ва даврийликка доир нормалар билан тартибга солишни назарда тутади, бунда раҳбар-ходимларнинг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя этувчи превентив чоралар ҳисобланади. Шунингдек, эксперт таъкидлашича совға сиёсатнинг асосий вазифа коррупция предмети ва совға ўртасидаги чегарани аниқ белгиланиб берилишида намоён бўлади<sup>105</sup>. Айнан бундай нозик фарқ компаниянинг комплаенс хизмати томонидан белгиланган норматив меъёрлар орқали аникланади. Бу жарёнда комплаенс назорат тизимининг алоҳида ваколати ва вазифалари белгилаб ўтилади.

**Фикримизча,** бу каби сиёсатнинг долзарблиги ва коррупция хавф сифатида баҳоланиши тарбиявий ва чуқур урф-одатларга эга бўлган бунинг натижасида совғалар тақдим этилиши ёки қабул қилиниши одатий ҳолатга айланган мамлакатларда бу каби ҳолатлар билвосита коррупция ҳолатларни юзага келтирувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади.

**Манфаатлар тўқнашувига (conflict of interest) қарши курашиш сиёсати** компания ва ташкилот раҳбар-ходимларининг коррупция ҳолатлари, жумладан, манфаатлар тўқнашувини юзага келтиришини олдини олишга қаратилган ахлоқий меъёрларини белгилашга оид тартиб ҳисобланади. Айтиш мумкинки, манфаатлар тўқнашуви коррупцияга қарши курашиш сиёсатини такшил этувчи асосий таркибидир.

Бунда ходим манфаатлари ўзи фаолият юритаётган компания ва ташкилот манфаатларига зид бўлса ёки бир мижознинг манфаати бошқасининг манфаатларидан асоссиз устун бўлган жараёнларни тартибга солади. Ходимлар томонидан ҳар қандай юзага келиши мумкин бўлган

<sup>104</sup> Scott Filostin “Gift & Entertainment, Conflicts and Corruption: An Interplay of Risks and Best Practices to Address Them” (2016 Compliance & Ethics Institute 303) [Электрон манба]. URL: <https://www.slideshare.net>.

<sup>105</sup> Scott Filostin “Gift & Entertainment, Conflicts and Corruption: An Interplay of Risks and Best Practices to Address Them” (2016 Compliance & Ethics Institute 303) [Электрон манба]. URL: <https://www.slideshare.net>.

манфаатлар тўқнашувига қарши курашишда ўз мажубриятларини бажариш лозим эканлигини белгилайди.

Хусусий секторда, шу жумладан банк секторида комплаенс хизматини ташкил этишда кенг қўлланилувчи тартиб “Хитой девори” сиёсати (*Chinese wall policy*) ҳисобланади. Одатда иқтисодий соҳаларда жамоатчиликка тақдим этилиши лозим бўлмаган, хизмат ва ишлаб чиқариш сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қиласликка оид тартибни ўз ичига олади. Ушбу тартиб компания ва ташкилотда манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай кўринишидан қочишга ва адолатли рақобатни таъминлашга хизмат қиласди. Ахборот девори манфаатлар тўқнашуви юзага келишини олдини олишга оид қулай ҳимоя муҳитини яратади ва турли мижозларга хизмат кўрсатишда чекловлар устидан назоратни таъминлайди. Асосий эътибор ташкилотнинг ошкор этилиши лозим бўлмаган молиявий ва инвестициявий лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни ошкор этилишини олдини олишга доир аниқ қоидаларни белгилайди. Одатда мазкур тартибни амалга оширишнинг энг мувоффақиятли кўринишлари аксарият инвестиция компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

Айтиш лозимки, комплаенс назорат тизимининг мазкур жараёнлардаги вазифаси эса ходимларнинг шахсий (коррупция) манфаатларини кўзлаб ахборотларнинг ошкор этилишида чеклашлар ўрнатилишга оид қоидалар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни юритишида намоён бўлади.

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш сиёсати** (*whistleblowing policy*) бугунги кунда аксарият хорижий давлатлар тажрибасида ва халқаро компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш амалиётида кенг қўлланилиб келаётган ушбу тартиб коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг самарали фаолият юритишинии таъминловчи асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Компания ва ташкилот раҳбар-ходимлари томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қиласлик натижасида қонун бузилиши ҳолатлари

ва содир этилган ёки тайёрланыётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар топган ходим томнидан (whistleblowers) күнгилли равишда ички тузилмага (комплаенс хизматига) хабар бериш тартибини ўз ичига олади<sup>106</sup>. Яна бир жиҳати шуки, *күнгилли хабар берувчи* томонидан бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, фақатгина ички тузилмага эмас, балки шу соҳада ваколатга эга бўлган давлат органларига ҳам хабар бериши мумкин бўлади.

Словенияда Коррупцияга қарши қурашиб комиссияси рахбари сифатида фаолият юритган, **халқаро эксперт Горан Клеменчичнинг** асослашича, күнгилли хабар берувчиларнинг маълум моддий манфаат эвазига коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчилар ўртасидаги асосий фарқни келтириб ўтади, яъни күнгилли хабар берувчи қонун бузилиши ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тегишли тузилмага хабар беришда у чин дилдан жамиятдаги белгиланган юриш туриш қоидалари ва қонунга риоя қилиниши билан ўз ҳаракатини бажаради ва ўз хизматига ҳеч қандай иқтисодий

ёки номоддий манфаатни кўзламайди, ушбу ҳаракатни ўз хоҳиши билан бажаради. Моддий манфаат эвазига хабар берувчи эса ўз ҳаракати маълум бир иқтисодий қиймат олиш натижасида амалга оширадива айнан шу фарқ кўнгилли хабар берувчи ва маълум манфаат эвазига хабар берувчи ўртасидаги асосий фарқ сифтида келтириб ўтади<sup>107</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Саманта Фиенстин ва Том Дивиенларнинг кўнгилли хабар берувчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид АҚШ ва Европа қиёсловчи (**A Comparative Analysis of U.S. and E.U. Whistleblower Law**) илмий мақоласида келтирилишича бугунги кунада Европанинг 15 дан ортиқ мамлакатларида, хусусан Белгия, Франция, Буюқ Британия, Венгрия, Италия,

<sup>106</sup> OECD (2016) Committing to Effective Whistleblower Protection [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/Committing-to-Effective-Whistleblower-Protection.pdf>.

<sup>107</sup> Коррупцияга қарши қурашиб соҳасида халқаро эксперт Г.Клеменчич ва муаллиф ўртасида “ZOOM” платформаси орқали “Коррупцияга қариш қурашиб ўрни” номли сухбатдан олинган маълумотлар (сухбат ўtkazilgan сана: 09.04.2020 й.).

Швеция, Словения, Латвия каби давлатларда қонун бузилиши ҳамда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган аниқ қонунчилик механизмлари яратилгандир<sup>108</sup>. Жумладан, 2019 йил 1 майида Латвияда “Коррупция ҳақида хабар берувчилар тўғрисида” (The Whistleblowing Law) қонуни Европа давлатлари орасида энг кейинги қабул қилинган қонун бўлиб, мазкур қонунда қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида хаба увчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларни турли тазийқ ва босимлардан ҳимоя қилишни ва рағбатлантиришларни ўз ичига олади.

Шунингдек, қонунда комплаенс хизмати томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш меъёрларида кўнгилли хабар берувчилар шахсининг сир сақланиши, унга оид маълумотлар ошкор этилмаслиги, уни турли тазийқ ва таъсиrlардан ҳимоя қилишининг ишончли қонуний механизмларини яратиши лозим эканлигини алоҳида тъкидлаб ўтади.

Айнан ушбу кафолатлар мазкур жараёнларнинг самарали фаолиятига хизмат қиласди. Шунингдек, ушбу тартиблар комплаенс хизмати ва шу соҳада ваколатга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади.

Хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу тизим давлат ва хусусий сектор иштрокчиларига ортиқча маблағ талаб қилмайдиган коррупцияга қарши курашишнинг самарали методи ҳисобланади.

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати.** Бу каби тартиблар асосан банк сектори ишрокчилари томонидан кенг қўлланиладиган жараён ҳисобланади. Унда жиноий йўл билан топилган фойда ва даромадларнинг қонуний йўллар билан иқтисодий секторга инвестиция қилинишини ва шу йўл орқали ноқонуний даромаднга қонунийлаштиришни

---

<sup>108</sup> Samantha Feinstein and Tom Devine “A Comparative Analysis of U.S. v E.U. Whistleblower Law” October 3rd, 2019// [Электрон манба]. URL:<https://whistleblower.org/blog/a-comparative-analysis-of-u-s-v-e-u-whistleblower-law>.

олдини олишга қаратилинади. Ушбу сектордаги комплаенс хизмати коррупцияга қарши курашиш каби асосий вазифалари тенг равища тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш орқали бу каби қонун бузилиши ҳолатларнинг юзага келишини олдини олиш ҳисобланади.

**Фикримизча,** коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари бугунги кунда ушбу соҳада аксарият хорижий давлатлар тажрибасида ва халқаро компанияларнинг амалиётида самарали қўлланилиб келаётган йўналишлари ҳисобланади. Бунда тадқиқ этувчилар томонидан комплаенс назорат тизимининг ушбу йўналишда илмий ва назарий жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур йўналишлар барча соҳаларда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини асосини белгилаб беради ва хорижий амалиётда ижобий қўлланилиб келинаётган халқаро стандартлар ҳисобланади.

## **II. Ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштриш масалалари**

Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бунда коррупцияга қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари базасини янада ривожлантириш, давлат ва хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларша курашишдаги самарил механизмлар ишлаб чиқиши ҳамда ҳар бир йўналишни чинакам “коррупциясиз соҳа” га айлантиришга қаратилган қўйидаги бир қатор тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

**Жумладан, ташкилий чора-тадбирлар борасида** БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошкора бошқарув институтлари орқали коррупцияга карши курашиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ушбу соҳадаги қатор вақолатли идоралари билан биргаликда соҳани ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришга оид чораларни кўриш лозим бўлади.

Биринчи йўналиш, коррупцияга қарши кураш соҳасини тартибга солишига қаратилган миллий қонунчилик базасини хорижий тажрибаларга

мувофиқ комплаенс назорат тизимини жорий этиш истиқболлари асосида қайта кўриб чиқиш ва бу фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратишга доир аниқ таклифлар рўйхатини ишлаб чиқиш, “*коррупциясиз соҳа*” лойиҳасини давлат улуши мавжуд компания ва ташкилотларда босқичма-босқич лойиҳани барча соҳаларга тадбиқ этиш давомида улар таркибида комплаенс назорат тизимини жорий этиб бориши лозимдир.

Давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиби ҳамда фаолиятнинг шаффоғлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш механизмларини яратиш (*расмий веб сайтылар яратиши*) ва унда жамоатчиликка тақдим этиб борилиши лозим бўлган барча маълумотларни жойлаштириш, маблағлар сарфланишинг аниқ рўйхатларини киритиб бориши, қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг жаҳон тажрибасини жорий этиш (*whistle blowers policy*). Шунингдек, *Коррупцияга қарши бошқарув менеджменти ISO-37001* халқаро стандартини ва фаолият самадорлигини баҳолашдаги халқаро тажрибалардан бири ҳисобланган *KPI тажрибасини* давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда жорий этиш талабларини ишлаб чиқиш каби ташкилий чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи йўналиш, милллий қонунчиликни такомиллаштириш чора тадбирлари бунда Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига комплаенс назорат тизимини ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамлашга оид алоҳида бобни киритиш, унда ушбу тизимнинг ваколати ва мақоми, фаолият йўналишларини алоҳида белгилаб берилиши лозим бўлади. Шунингдек, қонунга манфаатлар тўқнашуви юзага келтирувчи аниқ ҳолатлар тавсифи ва уларни олдини олишга қаратилган тизимли чораларни тартиби келтириш. Компания ва ташкилот фаолиятида коррупция хавфларини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қонуннинг алоҳида моддаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби ва уларни химоя қилишнинг аниқ

механизмларини тартибга солиш лозимдир, зеро Мазкур механизм давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарали воситаларидан бири ҳисобланади ва ушбу амалиёт хорижий тажрибада кенг кўлланилади ва *whistle blowing policy* дея номланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида тақдим этиладиган қабул қилинадиган совғалар билан боғилиқ тартибни белгилаб ўтиш лозимдир.

Давлат улуши мавжуд ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат хизматини жорий этиш бўйича намунавий низом лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича **ВМҚ лойиҳасини** ишлаб чиқиш ва унда коррупция хавфларини олдини олишга қаратилган қўйидаги тавсияларга алоҳида эътибор берилиши мақсаддага мувофиқ бўлади.

коррупция хавф-хатарларини ўз вактида аниқлаш, уларга чек кўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоғлигини ошириш;

ходимлар томонидан қасбий одоб-аҳлоқ қоидалариға қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупция ҳолатлар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халкаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш.

Учинчи йўналиш, комплаенс назорат хизматининг ваколати ва мақомини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳукуқий хужжатларни ишлаб чиқишга оид чора-тадбирлар, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлариға асосан коррупцияга қарши курашиш стратегик дастурларини ишлаб чиқиш лозимдир.

Мазкур норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳаларида комплаенс хизматининг ўрни, аҳамияти ва вазифалари ва унинг мустақиллигини

таъминловчи чоралар, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тартиби, компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, компаниялар учун тегишли ички назорат механизмларини, шу жумладан одоб-аҳлоқ кодекси ва ходимларнинг хулқ-автор стандартларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Комплаенс хизматининг компания тузилмасидаги бошқа таркибий бўлимлари билан ўзаро вазифа ва фаолият йўналишларини аниқ белигалаб ўтиш ва ўзаро бир-бирини такрорловчи функцияларни мақбуллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Раҳбарият ва ходимлар томонидан совғалар ва бошқа ҳар қандай моддий аҳамият касб этган имтиёзларни қабул қилиш ва тақдим этишнинг аниқ талабларини белгилаб ўтиш.

Шунингдек, комплаенс хизмати томонидан ўз ходимлар даромадларининг мажбурий декларациялаш тартибини юритиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тизимини жорий этиш, бунда ҳабар берувчиларнинг хукуқ ва манфаатлари, шахсининг маҳфий сақланиши ва турли тазийклардан ҳимоя қилиш механизмдарини жорий этишнинг аниқ талабларини ягона ички ҳужжат билан тартибга солиш, номзод ишга қабул қилишнинг шаффоф тартибларини белгилаш ва номзод шахси билан боғлиқ назорат текширувларини амалга ошириш (*due diligence талабларига мувофиқ*), компания фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олшига қаратилган ягона ички ҳужжат ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Тўртинчи йўналиш, комплаенс хизматига кадрларни танлаш, ишга қабул қилиш ва хизматини ўташ билан боғлиқ чора-тадбирларига тавсиялар. Комплаенс оффицерлик лавозимига номзодларни танлашда аниқ талабларни белгилаш, номзодларни ишга қабул қилиш ва фаолиятини ташкил этиш, фаолият самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ аниқ талабларни локал ҳужжатларида кўрсатиб ўтиш, комплаенс хизмати томонидан ходимлар малакасини ошириб бориш уларда коррупцияга қарши курашишда “барқарорлик иммунитети”ни шакллантириш мақсадида тизимли

коррупцияга қарши ўқув дастурларини жорий этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш, комплаенс хизмати томонидан ходимларини ҳар йили коррупцияга қарши қонунлар ва бошқа нормаларга мувофиқ ҳаракат қилишини назарда тутувчи коррупцияга қарши курашиш сертификатлаш тизимини жорий этиш, комплаенс хизмати ходимларининг йил давомида белгиланган вазифасини қай даражада бажарганлиги ёки коррупция хавфларни олдини олишдаги фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш вазифларни аамалаг ошириш лозимдир.

Бешинчи йўналиш, фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назорати институтлари билан муносабатларни кенгайтириш чора-тадбирларига қуйидагиларни келтириш мумкинdir.

Жамоатчиликка компания фаолияти ҳақидаги очик маълумотларни олиш имкониятини жорий этишга доир ўз ижтимоий сайтларини яратиш, ходимларни компаниянинг ижтимоий фаолиятига доир қарорлар қабул қилиниши жараёнида жалб этиш механизмларини такомиллаштириш, компания расмий веб-сайтларида коррупцияга қарши курашишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, компания расмий веб-сайтларида комплаенс хизматлар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган локал ҳужжатларини жойлаштириш, шунингдек, бу борада комплаенс хизматлар *Call-марказлари (тезкор алоқа линиялари)* батафсил маълумотни мунтазам равишда жойлаштириб бориши зарурдир.

**Холоса ўрнида** шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда янги соҳа сифатида кериб келаётган ва хориж амалиётида коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали натижадорликка хизмат қилаётган ушбу профилактик тизимни илмий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда соҳани тартибга солишга оид халқаро стандартларда ўрнатилган нормалар ва хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги амалиёти асосида илмий-назарий ва ташкилий чораларни ишлаб чиқилиши мақсаддага мувофиқ бўлади.

## ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги **илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини** такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

### **I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар**

**1.** Комплаенс назорат хизмати дастлаб 1906 йилда АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятини назорат қилиш федерал хизматининг (**Food and Drug Administration**) ташкил этилиши ва фаолияти жамоат хавфсизлигига қаратилган компания ва ташкилотларнинг асос солиниш зарурияти билан юзага кела бошлади.

**2.** Халқаро хужжатларда акс этган комплаенс назоратнинг принциплари аксарият қуйидагилардан ташкил топади.

Компания раҳбарияти томонидан коррупцияга нисбатан муросасизлик истагини шахсий намуна асосида жамоага намойиш этувчи (Tone at the top), коррупция ҳолатлари юзага келишига нисбатан “0 (нол)” даражадаги чидамлилик маданиятини шакллантириш (zero tolerance to corruption), фаолиятни шаффоф ташкил этиш (transparency), қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш сиёсати (whistleblowing policy), учинчи томон шахсларнинг ишончлигини баҳолаш (due diligence), комплаенс хизматининг фаолият юритиши учун жавобгар шахс (compliance officer).

**3.** Фикримизча, соҳага оид халқаро стандартлар ва илмий манбалар асосида “коррупцияга қарши қураши комплаенс назорати” тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

**“Коррупцияга қарши комплаенс назорати”** – давлат ва хўжалик бошқаруви органли, хўжалик юритувчи субъектлар, банклар фаолиятини коррупцияга қарши қурашии соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция

*хавф-хатарлари, манфаатлар түкнешувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйши, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.*

**4. Комплаенс назоратни жорий этишдан мақсад давлат ва хусусий секторда коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ва чек қўйши, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиши, ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши ва хизмат вазифаларини бажаршида манфаатлар түкнешувини юзага келтирувчи омилларнинг олдини олиши, фаолиятни турли юридик, иқтисодий санкциялар ва бошқа таъсирлардан тизимли ҳимоя қилишининг комплекс механизмини яратиши ҳамда фаолият имиджи ва жозибадорлигини ижобий сақлаб туриши ҳисобланади.**

**5. “Комплаенс офицер” тушунчасини ўзбек тилига “ҳалоллик назоратчиси” дея талқин қилиш ва қуйидаги илмий таърифни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:**

**“ҳалоллик назоратчиси”** – ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши ва хизмат вазифаларини бажаршида манфаатлар түкнешувини олдини олиши устидан назоратни амалга оширувчи ва самарали коррупцияга қарши курашии сиёсатини юритиши учун масъул бўлган жисмоний шахсdir.

**6. Халқаро стандартлар ва хорижий тажрибада қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида маълумот етказувчи (whistleblowers, “ҳуштак чалувчи”) тушунчасига ўзбек тилида “кўнгилли хабар берувчи” дея талқин қилиш ва қуйидаги илмий таърифни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:**

**“Кўнгилли хабар берувчи”** – меҳнат фаолиятини амалга ошириши давомида давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида кўнгилли равишда хабар берувчи жисмоний шахsdir.

**7. Комплаенс назорат тизимини ўзида жорий этган жорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения мисолида) тажрибаси ва халқаро**

компаниялар амалиёти асосида комплаенс хизматини **3 хил модел** бўйича ажратиш мумкин:

- **“ихтисослашган комплаенс хизмати модели”**да комплаенс хизматининг асосий вазифаси компаниянинг фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хорижий давлатлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда компания ёки ташкилотнинг халқаро доирадаги имиджини оширишга қаратилган бўлади;
- **“мослашган комплаенс хизмати модели”**да асосан компания ва ташкилотнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати амалга оширилади ва мунтазам фаолиятни турли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олидини олиш ва хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш каби ички профилактик чораларни тадбиқ этишга қаратилган бўлади;
- **“аралаш комплаенс хизмати модели”**нинг вазифаси компания ва ташкилотнинг миллий ва халқаро доирадаги нуфузини сақлаш, коррупция ҳолатлари содир этилишига қарши курашиш ва бу борадаги фаолиятни миллий қонунчилик ҳамда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ташкил этишдан иборатdir.

## **II. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар**

Ўзбекистонда комплаенс назорат тизимини фаолият самарадорлигини мониторинг қилишда **2 хил ёндашиш мақсадга** мувофиқ бўлади:

1.1. Давлат секторидаги комплаенс хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва фаолият самарадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва унинг таркибидаги “Коррупцияни олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси”нинг вазифаси этиб белгиланиши лозим (Хитой, Буюк Британия каби давлатлар амалиётида ушбу соҳадаги фаолиятни назорат қилиш алоҳида ваколатларга эга давлат органлари томонидан амалга оширилади).

1.2. Банк секторида комплаенс хизматларга ишга кириш, яъни кадрлар масаласини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ташкил этилиши

тавсифланаётган “Банкларда комплаенс хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти” томонидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади (Словения тажрибаси мисолида);

**2.** Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қаршиш курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ваколатли давлат идоралари билан ҳамкорликда давлат иштирокидаги барча корхона ва ташкилотларда “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини босқичма-босқич тадбиқ этиш ва улар таркибида комплаенс назорат тизимини жорий этиб бориш, бу бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳасини тайёрлайди (**ВМҚ лойиҳаси иловада кўрсатилган**).

**4.** ВМҚ лойиҳасида комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича минимал талабларни ўзида акс эттирган “намунавий низом” лойиҳасини ишлаб чиқиш тартибини белгилаш, унда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

- коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;

- идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизmlарини кучайтириш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш.

**5.** Ўзбекистонда мулкчилик шаклидан қатъий назар фаолияти ташқи бозор билан бевосита боғлиқ бўлган компанияларда комплаенс хизматларини ташкил этиш, АҚШ ва Буюк Британия давлатларнинг ушбу соҳадаги қонун талабларини инобатга олиш лозим бўлади.

**6.** Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхона ва ташкилотларда “**Коррупцияга қарши курашиш менежменти**” ISO-37001 стандартини ва фаолият самадорлигини баҳолашдаги халқаро тажрибалардан бири ҳисобланган “**KPI**” амалиётини жорий этиш талабларини ишлаб чиқиш керак.

**7.** Комплаенс хизматида мутахассис кадрлар базасини яратиш ва “ҳалоллик назоратчиси”га илмий даража бериш мақсадида Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ва Тошкент давлат юридик университети базасида “Давлат ва нотижорат секторда комплаенс ва коррупция хавфларини бошқариш” бўйича магистратура йўналишини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг “Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази” базасида комплаенс хизмати ходимларининг малакасини оширишга оид ўқув курсларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар**

*(Изоҳ: қонунчиликка киритилиши тавсифланаётган таклифларнинг намунавий лойиҳаси иловада кўрсатилган)*

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш:

**1.** Қонунга “*Коррупцияга қарши курашиши фаолиятини амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари*” дея номланувчи қўшимча бобни киритиш, унда комплаенс хизматининг ваколати ва мақоми, вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилиши лозим.

**2.** Қонуннинг 3-моддасига қўйидагиларни қўшимча тушунчалар сифатида киритиш: коррупцияга қарши курашиш сиёсати, коррупция хавфи, коррупция профилактикаси, комплаенс хизмати, коррупцияга қарши курашиш комплаенс дастури.

**3.** Конуннинг 4-моддасига “Коррупцияга оид хуқуқбузарликларни олдини олишда ҳамкорлик қилувчи шахсларни рағбатлантириш” ва “Коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги” принципларини қўшимча сифатида киритиш.

**4.** Конунга “Манфаатлар тўқнашуви” номли қўшимча модда киритиш, унда манфаатлар тўқнашувини юзага келтирувчи аниқ ҳолатлар тавсифи ва уларни олдини олишга қаратилган тизимли чоралар тартибини келтириш ва улар асосида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 39-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**5.** Конунга “давлат ва хусусий секторда коррупцияни олдини олиш бўйича чоралар кўриш мажбурияти” номли қўшимча модда киритиш.

**6.** Конуннинг 20-моддасига тадбиркорлик соҳасида коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирларига қўшимча превентив чораларни киритиш.

**7.** Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасига “давлат хизматчисини ишончни йўқотганлиги сабабли ишдан бўшатиш” номли қўшимча норма киритиш, унда коррупцияга қарши курашиш сиёсатига оид қоидаларга риоя қилмаслиги оқибатида, коррупция хавфини юзага келтирган ходим билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши назарда тутилади.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган совғалар микдорини аниқ белгилаш ўтиш лозим.

**9.** Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳақида кўнгилли хабар берувчиларнинг хуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳақида кўнгилли хабар берувчилар тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим

бўлади. Жумладан, лойиҳада кўнгилли хабар берувчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тартиб-тамойилларини келтириш, улар шахсининг сир сақланиши ва маълумотлар ошкор этилмаслиги, хабар берувчиларни турли тазийк ва таъсирлардан ҳимоя қилишининг аниқ механизмларини келтириш, иш берувчиларнинг маъсулияти билан боғлиқ тартибларни акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур тартиб давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарадорлигини таъминловчи воситаларидан бири бўлиб, ушбу амалиёт хорижий тажрибада *whistle blowing policy* дея номланади.

**10.** Ўзбекистон Республикасининг “*Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисида*”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Лойиҳада ички назорат ва ички аудит хизматининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини белгилайдиган, хуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чораларни ошкор этишни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш назарда тутилади. Шунингдек, қонун лойиҳасида ички аудит ва комплаенс хизмати ўртасидаги вазифа ва мажбуриятлар аниқ белгиланиши, ички аудитнинг комплаенс хизмат фаолиятини ҳам мониторинг қилиш билан боғлиқ нормалар акс эттирилиши лозим.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.: “Халқ сўзи” [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-irziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади” номли мавзуда ўтказилган йигилиш // 11.02.2020 йил. [Электрон манба]. URL: <https://uza.uz/oz/politics/korruptsiyaga-arshi-kurashish-amda-zhamoatchilik-nazorati-ti-11-02-2020>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат – бозор иқтисодиётига қатъий ўтиш жараёнида принципиал масала” номли мавзуда ўтказилган йигилиш // 28.05.2020 йил. [Электрон манба]. URL: <https://uza.uz/oz/politics/ra-obat-bozor-i-tisodiyetiga-atiy-tish-28-05-2020>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифаларга бағищланган видеоселектор йиғилиши // 30.06.2020. [Электрон манба]. URL: <https://uza.uz/oz/politics/odil1-sudlovni-taminlash-va-korruptsiyaga-arshika-30-06-2020>.

### **II. Халқаро-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясиға (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” ги Конуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

2. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents. [Электрон манба]. URL: [www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery\\_ENG.pdf](http://www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery_ENG.pdf).
3. Commentaries on the Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials In International Business Transactions. [Электрон манба]. URL: [www.oecd.org/daf/anti-bribery/\\_ENG.pdf](http://www.oecd.org/daf/anti-bribery/_ENG.pdf).
4. “ISO 37001 - Anti-bribery management systems”//[Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>.
5. “ISO 19600:2014 Compliance management systems-Guidelines”//[Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342>.
6. Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance. [Электрон манба]. URL: <http://www.oecd.org.pdf>.
7. Recommendation of the Council for Further Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions. [Электрон манба]. URL: [www.oecd.org/daf/anti-bribery/44176910.pdf](http://www.oecd.org/daf/anti-bribery/44176910.pdf).
8. OECD (2016) Committing to Effective Whistleblower Protection [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/Committing-to-Effective-Whistleblower-Protection-Highlights.pdf>.
9. Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба].URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf).

### **III. Норматив ҳуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 26.05.2000 йилдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-78-II-сонли Қонуни//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/64290>.

3. Ўзбекистон Республикасининг 09.04.2018 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ-472-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/28144>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4751561>.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.02.2020 йилдаги 72-Ф-сонли Фармойиши//[Электрон манба].URL: <https://lex.uz/docs3308867>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони//[Электрон манба].URL: <https://lex.uz/pdfs/4875784>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4761-сонли Фармони//[Электрон манба].URL: <https://lex.uz/pdfs/4875782>.

10. Sarbanes-Oxley Act of 2002. Corporate responsibility. // Public law 107. 204-july 30, 2002// [Электрон манба]. URL: <https://www.sec.gov/html#sox2002>.

11. Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494, Dec 19, 1977// [Электрон манба]. URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/statute-91/pdf/statute-91-pg1494>.
12. The Dodd–Frank Wall Street Reform and Consumer Protection Act 2010// As Amended Through P.L.115-61, Enacted 2010 [Электрон манба]. URL:<https://www.govinfo.gov>.
13. UK Bribery Act of 2010// [Электрон манба]. URL: <http://www.legislation.gov.uk>.
14. Adequate Procedures – Guidance to the UK Bribery Act 2010 // [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org.uk>.
15. Guidance about procedures which relevant commercial organizations can put into place to prevent persons associated with them from bribing. Ministry of Justice. March 2011 [Электрон манба]. URL:<http://www.justice.gov.uk-2010.pdf>.

#### **IV. Монография, илмий мақола ва түпламлар :**

1. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing– M.: Infotropic media, 2019 – P.36. [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.
2. Ivanov E. Anti-corruption compliance in BRICS countries// Антикоррупционный комплаенс-контроль в странах БРИКС//Монография. - М.: Юриспруденция, 2015. – c.9. [Электрон манба]. URL: <http://files.sudrf.ru/774>.
3. “Jeff J. Marwil and Jerry J. Burgdoerfer “Compliance Programs for Private Companies” August 2016; [Электрон манба]. URL: <https://jenner.com/system>.
4. M.Johnston, “Syndromes of compliance” Colgate University, New York. Publisher: Cambridge University Press; Online publication date: September 2009 [Электрон манба].URL:<https://www.cambridge.org>.

5. Emil Moschella and Donna Boehme “The Private Sector as a Model for Government Compliance and Ethics Programs” 12 October 2010// [Электрон манба].URL: <http://compliancestrategists.com>.
6. Prof. Pererva P., Kocziszky Gy., Somosi M. “Compliance Program”-Kharkiv-Miskolc-2019// [Электрон манба].URL: <http://web.kpi.kharkov.ua>.
7. Martin Kling “History of Compliance—Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, 2017 – P. 54. // [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.
8. Kocziszky G. “Anti-corruption compliance in the enterprise’s program” 2017 – P.43.//[Электрон манба].URL: <https://drive.google.com>.
9. STA Law Firm “UK: Anti Bribery & Anti Corruption Law In The United Kingdom” 26 July 2019; [Электрон манба].URL:<https://www.mondaq.com/uk>.
10. Tom Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; [Электрон манба].URL: <https://www.researchgate>.
11. Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013 [Электрон манба]. URL:<https://www.ebglaw.com>.
12. Джо Мерфи “501 Ideas for Your Compliance and Ethics Program”//«501 одна идея для вашей программы комплаенса и деловой этики», SCCE, 2008. – с.42. [Электрон манба].URL:<https://assets.hcca-info.org>.
13. Tom Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; [Электрон манба].URL: <https://www.researchgate>.
14. Susan Lorde Martin “Compliance Officers: More Jobs, More Responsibility, More Liability” 29 Notre Dame J.L. Ethics & Pub. Pol'y 169 (2015)// [Электрон манба]. URL: <https://scholarship.law.nd.edu>.
15. Henry Adobor “Corporate Ethics Officers” March 2019 // [Электрон манба]. URL: [https://www.researchgate.net/publication/33164125\\_Officers](https://www.researchgate.net/publication/33164125_Officers).

16. Anne Eberhardt “How the Foreign Corrupt Practices Act Came to Be” July 3, 2018 // [Электрон манба]. URL:<https://www.corporatecomplianceinsights.com/foreign-corrupt-practices-act-came>.
17. Rosemary Carlson “The Enron Scandal That Prompted the Sarbanes-Oxley Act” Updated November 16, 2019// [Электрон манба]. URL: <https://www.thebalancesmb.com/sarbanes-oxley-act-and-the-enron-scandal>.
18. Бочаева Г. В., Кодекс корпоративного поведения как элемент системы корпоративного управления / Г. В. Бочаева. Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — № 10 (114). — С. 630-634. [Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/archive/114/30047>.
19. Scott Filostin “Gift & Entertainment, Conflicts and Corruption: An Interplay of Risks and Best Practices to Address Them” (2016 Compliance & Ethics Institute 303) [Электрон манба]. URL: <https://www.slideshare.net>.

## **V. Фойдаланилган бошқа адабиётлар :**

1. Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электрон манба]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf).
2. Compliance handbook/ dated January 17, 2018/ Approved by Supervisory Board of JSC GM Uzbekistan [Электрон манба]. URL: //<https://uzautomotors.com/companies/compliance>.
3. Code of ethics and compliance/ dated January 17, 2018/ Approved by Supervisory Board of JSC GM Uzbekistan [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.

## **VI. Диссертация ва авторефератлар:**

1. Тимошкин А.В. «Корпоративный комплаенс-контроль как инструмент экономической безопасности»: автореф. дис. ... канд.эконом. наук : 08.00.05/

Тимошкин А.В. – Москва, 2010. – 32 с., [Электрон манба]. URL:  
<https://www.dissercat.com>;

2. Красноусов С.Д. «Коммерческий подкуп как форма коррупции в частном секторе: понятие и противодействие»: автореф. дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / С.Д. Красноусов. — Владивосток, 2012. — 27 с. [Электрон манба]. URL: <https://www.sciencedirect.com>.

## **VII. Интернет манбалари:**

1. <https://www.un.org/en/about-un> (мурожаат вақти: 02.01.2020).
2. <https://www.thecompliancecenter.com> (мурожаат вақти: 22.12.2019).
3. <https://www.iso.org> (мурожаат вақти: 14.02.2020).
4. <https://mco.mycomplianceoffice.com> (мурожаат вақти: 15.03.2020).
5. <https://www.worldbank.org> (мурожаат вақти: 23.03.2020).
6. <http://www.lex.uz> (сўнгти мурожаат вақти: 14.05.2020).
7. <http://www.uza.uz> (сўнгти мурожаат вақти: 11.05.2020).
8. <https://president.uz/oz> (мурожаат вақти: 17.04.2020).
9. <https://t.me/uzbprokuratura//> (мурожаат вақти: 04.05.2020).
10. <https://uzautomotors.com> (мурожаат вақти: 16.03.2020).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ**

**ДАВЛАТ УЛУШИ БЎЛГАН КОМПАНИЯ ВА ТАШКИЛОТЛАРДА  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ “КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ”  
ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, энг юқори даражадаги қулай ишбилиармонлик мухитини яратиш, республиканинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш ва хориж тажрибалари асосида коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармон ижросини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг БМТ Тараққиёт дастури “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошкора бошқарув институтлари орқали коррупцияга карши курашиш” лойиҳаси кўмагида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда босқичма-босқич ҳар бир соҳа-йўналишда жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъкуллансин.

2. Ўзбекистон Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизими тажриба тариқасида жорий этиш ишлари бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин вазирлик, идора ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини 2020 йил 1 октябрига қадар ишлаб чиқилсин.

3. Жорий муддатга қадар Ўзбекистон Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда давлат улуши бўлган ташкилотларида

коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш бўйича намунавий низом лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда барча учун мажбурий аҳамият касб этадиган минимал талабларни белгилаб ўтиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизими тажриба тариқасида жорий этиш ишлари бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этиши таъминлансин.

5. Куйидагилар давлат идораларида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этишнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

- коррупция хавф-хатарларини ўз вактида аниқлаш, уларга чек кўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;
- коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳукуқий механизмларини жорий этиш;
- давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоф ташкил этишни таъминлаш;
- ходимлар томонидан касбий одоб-аҳлоқ қоидалариiga қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупция ҳолатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;
- коррупцияга қарши курашишда идоравий чора-тадбирларн и амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халкаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш.

Давлат идоралари раҳбарлари зиммасига коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этишнинг устувор вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, шунингдек унинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги зиммасига ушбу Қарорнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда амалга оширилаётган ишларнинг ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини

доимий асосда амалга ошириб, уларда вазирлик, идора, ташкилотларнинг маъсул ходимлари ва ушбу соҳа мутахассис лари иштирокида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимиға оид масалалар юзасидан брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувлар ташкил этилиши таъминласин.

7. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил \_\_\_\_\_,  
ВМҚ-\_\_\_\_\_сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ**  
**ИЧКИ НАЗОРАТ («КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ») ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ**  
**ЭТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА**  
**ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ**  
**ҚОНУНИ**

Қонунчилик палатаси томонидан \_\_\_\_\_ да қабул қилинган  
Сенат томонидан \_\_\_\_\_ да маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январидаги Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 3-модда:**

куйидаги мазмундаги асосий тушунчалар тўлдирилсин:

коррупцияга қарши курашиш сиёсати – давлат ва жамиятда коррупциявий хавфларни камайтириш, давлат органлари фаолиятига жамоатчилик ишончини оширишга қаратилган ҳуқуқий, маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар ҳамда ушбу қонунда белгиланган бошқа чора-тадбирлар.

коррупция хавфи - коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши имкон яратадиган мавжуд сабаб ва шарт-шароитлар тизими;

коррупция профилактикаси – коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, тизимли ўрганиш, таҳлил этиш ва бартараф этишга қаратилган фаолияти;

коррупцияга қарши курашиш комплаенс дастури – корхона-ташкилотда ходимлар томонидан қонунлар ва ўрнатилган ички қоидаларга риоя қилиниши, манфаатлар тўқнашуви, коррупциявий хавфларни камайтиришга ва бундай ҳолатларни олдини олишга қаратилган ички нормаларни белгилайдиган дастур;

комплаенс хизмати – корхона-ташкилотда коррупция, мансаб сустельмолчилиги ва давлат мулкини талон-торож қилиш жиноятларини содир этилишининг олдини олиш мақсадида ташкил қилинадиган алоҳида таркибий бўлинма;

ҳалоллик назоратчиси – ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш устидан назоратни амалга оширувчи ва самарали коррупцияга қарши курашиш сиёсатини юритиш учун масъул бўлган жисмоний шахсдир.

**2) 4-модда:**

қуйидаги мазмундаги принциплар қўшимча сифатида киритилсин:

“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ҳамкорлик қилувчи шахсларни рағбатлантириш”;

“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларини содир етганлик учун жазонинг муқаррарлиги”.

**3) 26-модда:**

қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«26-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш**

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумотга эга бўлган шахс ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай коррупция фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд коррупцияга қарши курашишда ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт.

2. Давлат органлари раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар бериш қафолатли чоралар кўриши шарт.

3. ҳар қандай коррупция фактлари ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда амалий ёрдам берган шахс давлат томонидан ҳимоя қилинади ва Ҳукумат томонидан белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

Учинчи қисмда белгиланган қоидалар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида била туриб ёлғон маълумот берган шахсларга нисбатан қўлланилмайди ва бундай ҳаракатлар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга асос бўлади.

4. Коррупцияга қарши курашда ёрдам берадиган шахс тўғрисидаги маълумотлар давлат сири ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ

тақдим этилади. Ушбу маълумотнинг ошкор этилиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади».

**4) қуидаги мазмундаги 19<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:**

**«19<sup>1</sup>-модда. Давлат ва хусусий секторда коррупцияни олдини олиш бўйича чоралар кўриш мажбурияти**

Давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг коррупцияга қарши курашишга оид чоралар ишлаб чиқиши ва уларни ўз амалиётига жорий этиши шарт.

Коррупцияни олдини олиш чоралариға қуидагилар киради:

коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни олдини олишга маъсул бўлган алоҳида ички таркибий тузилма ёки ушбу фаолият амалга оширувчи шахсларни тайинлаш;

коррупция қарши курашиш соҳасида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

коррупция хавфлардан ҳимоя қилишга қаратилган аниқ стандарт ва нормативларни ишлаб чиқиш ва уларни ўз амалиётига жорий этиш;

ходимлар томонидан касбий одоб-аҳлоқ қоидалариға қатъий риоя этиш ва одоб-аҳлоқ кодексини қабул қилиш;

хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай қўринишини олдини олишга оид аниқ тартибларни ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисоби назорати ва молиявий хужжатлардан фойдаланишнинг шаффоф тартибини жорий этиш;

норасмий ҳисбот тайёрлаш ва соҳта хужжатлардан фойдаланишнинг олдини олиш».

**5) қуидаги мазмундаги 25<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:**

**«25<sup>1</sup>-модда. Манфаатлар тўқнашуви**

Давлат хизматини бажаришга ваколатли шахсларнинг ўз фазифаларини амалга ошириш давомида манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда хизмат вазифаларини бажаришлари тақиқланади.

Давлат хизмати амалга оширувчи шахслар томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўрадилар.

манфаатлар тўқнашуви ёки улар пайдо бўлиши мумкинлиги тўғрисида хабар топган захоти ёзма ёки оғзаки равишда ўзлари иш олиб борадиган ташкилотнинг бевосита раҳбарига ёки раҳбариятига хабар беришлари шарт.

Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги мурожаатлар бўйича ёки бошқа манбалардан орқали хабардор бўлган тақдирда юқори турувчи раҳбарият манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш учун ўз вақтида қўйидаги чораларни кўриши керак:

1-бандда кўрсатилган шахсларни ўз мажбуриятларини бажаришининг олидини олади ва ушбу вазифаларни кечиктириб бўлмаган ҳолда бошқа шахсга топшириш чораларини кўриш;

лавозим мажбуриятларини ўзгартириш;

манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш учун бошқа профилактик чораларни кўриш».

**7) 20-модда:**

қўйидаги мазмундаги норма билан тўлдирилсин:

### **«20-модда. тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

коррупцияга қариш қурашишга оид ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини яратиш;

коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек кўйиш, уларни олидини олишга қаратилган алоҳида тузилмаларни ташкил этиш;

ҳалол рақобат принципларига риоя қилиш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

одоб-аҳлоқ қоидалрига риоя этиш;

ўз фаолиятида коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш чораларини кўриш;

коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик чораларини белгилаш.

Тадбиркорлик субъектлари учун коррупциянинг олдини олиш бўйича тавсиявий стандартлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасига

**1)** қўйидаги мазмундаги 66<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:

### **«66<sup>1</sup>-моддаси Давлат хизматчисини ишончни йўқотганлиги сабабли ишдан бўшатиши**

Давлат хизматчиси қўйидаги ҳолларда ишончни йўқотганлиги сабабли ишдан бўшатилади:

давлат хизматчиси томнидан коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг ҳар қандай кўриниши содир этганлиги ёки бу харакатни содир этаётганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлганда;

давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўйиши ва бу ҳақда ички тузилмага била туриб хабар бермаслиги, натижаси қонун бузилишига олиб келса;

давлат хизматчиси томнидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва (ёки) ҳал қилиш чоралари кўрилмаган тақдирда;

давлат хизматчилари ўзларининг даромадлари, ҳаражатлари, мулкий ва номулкий мажбуриятлари, шунингдек, оила аъзоларининг даромадлари, ҳаражатлари, мулкий ва номулкий мажбуриятлари тўғрисида била туриб нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган даромадлар декларациясини тўлдирган тақдирда».

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил \_\_\_\_\_,  
ЎРҚ-\_\_-сон

**\* Давлат ва хусусий секторга комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича тавсиявий чора-тадбирлар**

**1-босқич.**

Комплаенс назорат тизимини жорий этишнинг концептуал стратегиясини тузиш (ишларни қай тартибда ташкил этиш бўйича стратегик режа ишлаб чиқилади).

**2-босқич.**

Хукуқий асосларнинг ишлаб чиқилиши:

- комплаенс назорат тизимини жорий этишга оид Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- намунавий низом;
- одоб-ахлоқ кодекси;
- коррупцияга қарши курашишга оид локал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш.

**3-босқич.**

Комплаенс ходимларни (compliance officer) ўқитишини ташкил этиш:

- хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида комплаенс ходимларнинг малакасини оширишга оид ўқув курсини ташкил этиш;
- хорижлик эксперталар иштироқида тренинг машғулотлар ташкил этиш;
- хорижда стажировка ўташни ташкил этиш.

**4-босқич.**

Комплаенс ходимларини сертификациялаш тизимини ташкил этиш (ISO-37001 стандартига мувофиқ).

**5-босқич.**

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда мониторинг ишларини ташкил этиш.

**6-босқич.**

Миллий комплаенс хизматлар фаолиятига доимий кўмак бериш мақсадида ушбу соҳадаги халқаро стандартларга оид маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.

**7-босқич.**

Халқаро комплаенс ассоциацияси (International Compliance Association) билан ҳамкорлик ўрнатиш.

## \* СУХБАТ

( Комплаенс назорат соҳасида амалий тажрибага эга бўлган хорижий эксперталар билан савол-жавоб шаклида ўтказилди)

### **Словения Миллий банкининг комплаенс хизмати бошлиғи**

**Р.Патришич** “Словения тажрибасида комплаенснинг ўзига хослиги” номли сухбатдан олинган маълумотлар (сухбат 30.03.2020 й. “ZOOM” платформаси орқали амалга оширилди).

– муаллиф:

**1-савол: Комплаенс хизмати ходимларини лавозимга тайинлаш жараёни нималардан иборат, бу шахс учун аниқ талаблар мавжудми?**

– эксперт:

Мен сизга айтсан, комплаенс офицерларни лавозимга тайинлашни банкдаги тартиб орқали тушунтириб бераман. Чунки Словения, Евровада банк сектори давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солинган энг мукаммал соҳалардан бири ҳисобланади.

Айтишим мумкинки, нафақат Словенияда, балки Европа давлатларида комплаенс офицер лавозимига тайинлашда маълум бир аниқ умумий талаблар мавжуд эмас. Асосан комплаенс ходими лавозимига номзод тайинлаш тартиби, компания ёки банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

Аммо истисно тариқасида комплаенс хизматининг бош офицери (*chief compliance officer*) лавозимига номзоднинг тайинланиши, бошқа ходимлардан фарқ қиласди.

Масалан, 1) номзод мазкур соҳада камида 5 йил меҳнат фаолияти ва етарли тажрибага эга бўлиши, 2) унга нисбатан ҳеч қандай жиноий иш қўзғатилмаган бўлиши (коррупциявий ҳолатларда), 3) номзоднинг молиявий қарздорлиги ёки моддий мажбуриятларга эга бўлмаслиги, коррупциявий хафвларни олдини олиш мақсадида, 4) ўзининг ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциявий хавфларни енгга олишига ишонтира билиши (due diligence) лозим бўлади.

Бу талаблар, бевосита банк секторидаги комплаенс хизмати билан боғлиқ талаблар бўлиб, банк раҳбарияти ишга қабул қилишда, аввало, ўзининг мавқенини сақлаб қолишни асосий вазифаси сифатида белгилайди. *Словения Республикаси Марказий банкида айнан шу фаолиятни тартибга солишига қаратилган маҳсус департамент бўлиб*, банк томонидан танланган бош комплаенс офицер лавозими айнан шу департамент томонидан due diligence асносида қайта текширувдан ўтказилинади ва департамент номзод маъқул

топилса унинг фаолиятига лицензия тақдим этилади ёки рад этилади, айнан бу қарор ҳал қилувчи ҳисобланади.

– музалиф:

**2-савол: комплаенс офицерлар томонидан коррупция ҳолатлари аниқланганда маҳсус ваколатларга эгами (масалан, ходимларининг телефон сұхбатларини тинглаш, тинтүв үтказиш ва башк.)?**

– эксперт:

Словенияда бу каби ваколатлар фақатгина суднинг ордери билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколати ҳисобланади. Ушбу вазиятда комплаенс офицер мазкур ҳолат тегишли давлат органига асослантирилган ариза билан мурожаат этади ва ушбу жараён биргаликда давом эттирилади.

Аммо коррупция ҳолатлари аниқланганда комплаенс хизмати маҳсус ваколатларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Комплаенс офицер компаниянинг ҳар қандай хужжати (маҳфий) ва маълумотлар базаси билан таниша олади;

2. Барча ходимларини ҳолат юзасидан сўроқ қила олади;

3. Ҳолат юзасидан банк ичида видеокузатувларни амалга ошириши ёки банкдаги мавжуд барча хоналарда тинтүв үтказа олади (ҳуқуқий асос билан);

4. Ходимларнинг электрон хужжат айланмасини, кимлар ёзишганлигини, бунда ички ёзувлар эмас, балки ким билан қанча вақт давомида ёзишмалар амалга оширганини текшира олади.

– музалиф:

**3-савол: Словенияда ёки умуан Европа давлатларида комплаенс хизматини мувофиқлаштирувчи давлат ёки нодавлат орган бу мавжудми?**

– эксперт:

Йўқ, Словенияда комплаенс назорат тизим фаолиятини мувофиқлаштирувчи маълум бир давлат ёки нодавлат органи мавжуд эмас. Банкнинг ўзи давлат органлари билан коррупция ҳолатлари аниқлашда

манфаатдорлигига боғлиқдир. Шунингдек, коррупция ҳолатлари юз берганда бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ахборот тақдим этиш мажбурияти мавжуд.

Кўшимча сифатида, айтиш мумкинки, фақатгина Словения Марказий банки томонидан бош комплаенс оффицерларини тайинлаш босқичида аралишиши мумкин бўлади, аммо комплаенс хизматининг фаолиятини мувофиқлаштириши ёки назорат қилиш ваколати мавжуд эмас.

– муаллиф:

**4-савол: Комплаенс хизматларининг фаолияти қай тарзда ва ким томонидан баҳоланиши мумкин ва умуман комплаенс хизматларининг самарадорлиги нимада деб ўйлайсиз?**

– эксперт:

Айтиш лозимки, комплаенс хизматининг мунтазам равишда фаолият самарадорлигини баҳолаш жуда ҳам қийиндир. Бунда самарадорликни ўлчайдиган аниқ қоидалар мавжуд эмас, лекин айтиш мумкинки ушбу хизматнинг самарадорлиги йиллик коррупцияга қарши қурашиб дастурини ишлаб чиқишида ва унда банк фаолиятида вужудга келадиган аниқ коррупциявий хавфларни белгилаш ва уларни камайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни самарадорлигини баҳоловчи омиллардан бири бўлиши мумкиндир.

Агарда банкда йил давомида ҳеч қандай коррупциявий ҳолатлар аниқланмаган бўлса, бу комплаенс хизмат самарали фаолият юритмаяти дегани эсам ва бу ҳолат самарадорликни белгиловчи омил ҳисобланмайди, чунки дастурнинг тўғри ва пухта ташкил этилганлиги коррупциянинг содир бўлишини олидини олган.

Комплаенс хизмати фаолияти назорати ким томонидан оширилишига тўхталадиган бўлсак, бундай тартиб одатда банкнинг Ички аудит хизмати аудит текшируви орқали назоратни амалга ошириши мумкиндир. Комплаенс хизмати камида 3 ойда 1 марта ўз фаолияти тўғрисида банкнинг кузатув кенгашига ҳисобот беради.

## \* Сўровнома

(Сўровнома Телеграм ижтимоий тармоғида ва “Google Docs” дастури орқали амалга оширилди)

1-савол:

**Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (compliance control) тизими ҳақида хабардормисиз?**

Ҳа, лекин етарлича эмас  
Йўқ, хабардор эмасман  
“Комплаенс назорат” тизими нима эканлигини билмайман  
Жавоб беришга қийналаман

2-савол:


**Давлат ва хусусий сектор фаолиятида “комплаенс назорат” (compliance control) тизимининг жорий этилиши коррупция ҳолатларининг камайишига хизмат қиласадими?**

Ҳа  
Йўқ  
Жавоб беришга қийналаман, чунки “комплаенс назорат” ҳақида етарли маълумотга эга эмасман

3-савол:

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (compliance control) тизимининг ҳуқуқий асослари етарлими?**

Ҳа  
Йўқ, чунки ушбу соҳада қонунчилик асосларини такомиллаштириш лозим деб хисоблайман



\* Телеграм ижтимоий тармоғида ва “Google Docs” дастурида ўтказилган сўровда 1400 дан ортиқ респондентлар иштирок этди ва 1200 га яқин ижобий қантанишилди. Респондентлар томонидан 70 га яқин таклифлар билдирилди.